Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. № 145 (7. 234) 1990 йил 29 июнь, жума Баҳоси 3 тийин

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ БЮРОСИДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг 27 июнь куни бўлиб ўтган мажлисида Ўзбекистон ССР делегациясининг 1990 йил 21—23 июнь кунлари Олмаота шаҳрига қилган сафари якунлари муҳокама этилди.

Мажлисда ана шу учрашувда қабул қилинган ҳужжатлар— «Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон халқларига мурожаатнома», «Ўзбекистон ССР, Қозоғистон ССР, Қирғизистон ССР, Тожикистон ССР, Туркманистон ССР раҳбарларининг баёноти», иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорлик тўғрисидаги ҳукуматлараро битим мазкур регионда тарихан таркиб топган алоқаларни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш учун негиз бўлиб хизмат қилиши айтиб ўтилди.

Бюро Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон раҳбарларининг учрашувига Ўзбекистон ССР делегацияси сафари якунларини маъқуллаб, вилоят, шаҳар, район партия комитетларига, халқ депутатлари Советлари ижроия комитетларининг, министрликлар ва идораларнинг коммунист раҳбарларига белгиланган қарорларни рўёбга чиқариш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўришни, Олмаотада бўлиб ўтган учрашувнинг асосий сиёсий якунларини барча бошланғич партия ташкилотларига етказиш вазифасини топширди. Жумҳуриятлар ташкилотлари, меҳнат жамоалари ўртасида кенг кўламли алоқаларни ривожлантиришга бутун чоралар билан кўмаклашилсин, иқтисодиётда мустаҳкам ва ўзаро фойдали ҳамкорликка, маданият ва санъат соҳасида бир-бирларини ўзаро бойитишга, халқлар ўртасида дўстликни мустаҳкамлашга ҳаракат қилинсин.

Марказий Комитет бюроси партия ҳисобот-сайлов йиғилишларида, конференцияларда ва Ўзбекистон Компартиясининг XXII съездида Марказий Комитет шаънига айтилган танқидий мулоҳазаларни, илтимос ва таклифларни рўёбга чиқаришга оид тадбирларни тасдиқлади. Ўзбекистон ССР Олий Совети ва республика Министрлар Кенгаши шаънига айтилган фикр ва мулоҳазалар ҳамда таклифлар улар кўриб чиқиши учун юборилди. Марказий Комитет бюросининг аъзолари М. И. Иброҳимов ва Ш. Р. Мирсаидов ўртоқларга ана шу мулоҳазалар, илтимослар ва таклифларни амалга оширишга доир ишларни йўлга қўйиш вазифаси топширилди. Масалаларни ўртага қўйган ўртоқлар кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисида хабардор қилинсин.

Бюро Ўзбекистон Компартияси XXII съездининг назорат-тафтиш комиссиясини тузиш тўғрисидаги қарори муносабати билан XXII съездгача тушган барча шахсий ишлар ва шикоятлар хусусида узил-кесил қарорлар қабул қилиб, уларни Ўзбекистон Компартияси назорат-тафтиш комиссияси муҳокамасига топширишни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблади.

Марказий Комитет бюроси мажлисида жумҳуриятнинг ижтимоий-сиёсий турмушига оид бошқа масалалари ҳам кўриб чиқилди.

ДЕЛЕГАТЛАР ФИКРЛАШИБ ОЛИШДИ

28 июнь куни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида КПСС XXVIII съездига жумҳурият партия ташкилотидан сайланган делегатлар билан учрашув бўлди. Учрашув қатнашчилари мамлакат коммунистлари анжуманига тайёргарликнинг бориши, партия тушиб қолган мураккаб вазият, жамиятдаги барча соғлом кучларни жипслаштириш зарурлиги тўғрисида фикрлашиб олдилар. КПСС Марказий Комитетининг съездга ҳужжатлари, жумладан КПСС XXVIII съездининг «Инсонпарвар, демократик социализм сари» Дастурий баёноти лойиҳаси муҳокама қилинди.

Делегатлар съезднинг раҳбар органларига Ўзбекистон Компартиясидан номзодларни муҳокама қилдилар.

Учрашувда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби, Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримов нутқ сўзлади.

Учрашувда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари қатнашдилар.

(ЎзТАГ).

ҒОЯМИЗНИ ХАРИД ҚИЛИНГ

27 июнь куни Тошкентда фан-техника ютуқлари ҳамда «юк ортиш-тушириш, транспорт ва омбор ишларини механизациялаш, юкларни пакетларга ва контейнерларга жойлаш» ғоялари ярмаркаси очилди.

Ярмарканинг биринчи куниёқ уни олдиндан кутганликларини ва унга илгарироқ ҳозирлик кўрганликларини яққол намойиш қилди. Бу ерга 300 дан ортиқ илмий ишланма қўйилган эди. Айни вақтда ана шу ишланмалардан 18 тасини муаллифлар тайёр ҳолда ёки намуна шаклида олиб келдилар. Ярмарка ташкилотчилари — Ўзбекистон ССР Давлат план комитетининг Ўзбекистон илмий техника ахбороти илмий-тадқиқот институти, Бутуниттифоқ қора металлургия илмий-техника жамияти Ўзбекистон жумҳурият бошқаруви ҳамда СССР илмий ва инженерлик жамиятлари уюшмаси Тошкент вилоят бошқаруви ярмарка очилгунга қадар мамлакатнинг турли жойларига 200 га яқин таклифнома юборди. Бу таклифномаларга Ўзбекистон, РСФСР, Болтиқбўйи, Украина корхоналари ва ташкилотлари ўз муносабатларини билдирдилар.

Ярмаркада олимлар, ишлаб чиқариш новаторлари, Москва, Ленинград, Киев, Харьков шаҳарларидаги етакчи илмий ва илмий ишлаб чиқариш коллективларининг мутахассислари билан учрашувлар режалаштирилган. Саноат бирлашмалари, қурилиш ва транспорт корхоналарининг вакилларига автоматлаштирилган транспорт — омбор системалари, маҳсулотни навларга ажратиш ва сақлаш учун ускуналар ва жиҳозлар, юк кўтаргич қурилмалар, маҳсулот жойлагич автоматлар таклиф этилади. Айни пайтда ғояларни «харид қилувчилар» ва ишлаб чиқувчилар уч кун давомида ўз мижозлари билан энг қизиқарли таклифларни, коммерция битимлари тузиш шартларини бевосита муҳокама қилиб, уларга ўз «маҳсулоти»ни таклиф этадилар.

— Биз ушбу ярмаркадан кўп нарса кутяпмиз, — дейди «СредАЗНИИпроцветмет» институтининг директори Р. Фозилов ЎзТАГ мухбирига. — Биринчидан, ғоя муаллифлари ўз янгиликларини регионимиздагина эмас, шу билан бирга умуман мамлакатда қулай «жойлаштириш»лари мумкин. Иккинчидан, харидорлар ҳам хафа қилинмайди. — Улар омбор юкларини ортиш ва туширишда ҳали қўл меҳнати даражаси юқори бўлган бир пайтда янги авлод корхоналари учун серунум автоматлаш воситаларини харид қиладилар. Фермерлар хўжаликлари ривожланиши билан бу ерда кенг тақдим этилган ғоялар ва ишланмаларсиз фаолият юритиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам ярмарка эшиклари ҳамма учун очиқдир.

Танишинг: КПСС XXVIII съезди делегати



Ўзлигимизни таний бошлаганда

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» РЎЗНОМАСИНИНГ МУҲАРРИРИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ ДЕПУТАТИ РАСУЛ РАҲМОНОВ БИЛАН СУҲБАТ

— Расул Раҳмонович, Сиз Ўзбекистон Компартияси XXII съездининг жумҳуриятимиз коммунистларининг вакили сифатида партия XXVIII съездида КПССнинг яхлитлигини, социалистик қадриятларни қаттиқ туриб ҳимоя қилиш наказини олдингиз. Шу муносабат билан аввало партиядаги, шу жумладан унинг ажралмас қисми бўлиб қолаётган Ўзбекистон Компартиясидаги аҳвол ҳақида фикрингизни билмоқчимиз.

— Аҳвол аниқ, КПССни парчалаб, фракцияларга ажратиб юборишга уринишлар бор. Вазифа: Коммунистик партиянинг ташкилий ва ғоявий бирлигини ҳимоя қилиш. Унинг обрўсини, мавқеини, раҳнамолигини нафақат сақлаш, айни вақтда унинг пасайиб кетмаслиги учун, билакс ошириш учун курашмоқ зарур. Буни коммунистларнинг ўзларигина амалга оширишга қодир. Қайси йўл билан, қандай қилиб? Мураккаблик ана шунда. Зеро тайёр йўл йўқ. Ҳар бир коммунист, ҳар бир партия ташкилоти ташаббускор бўлиши, изланиши, ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан пухта фаолият кўрсатиши лозим. Бунинг учун чинакам эркинлик, имконият, рағбат керак. Зарур бурч ва туб вазифаларга садоқатли бўлиш, виждон мактаби эса жумҳуриятимизда етарли.

Жумҳуриятимизнинг тараққиётини, халқимизнинг фаровонлигини фаолиятининг асосий мақсади деб билган ҳар бир ўзбек фарзанди, аввало, қайси уюшган ижтимоий кучни танлаб олмасин, ўзлигини таниган чин инсон бўлиши лозим. Одамга, у қайси ижтимоий кучга мансублигига қараб эмас, ҳақпарварлигига, ниятига, мақсадига, имон-иродасига қараб муносабат билдириш тўғри бўлар.

Тарихдан маълумки, уюшган ижтимоий кучлар ҳамиша халқ орасидан, унинг орзу-интилишлари ва манфаатлари учун курашувчилар сафидан етишиб чиқади. КПСС ва Ўзбекистон Компартияси ўзининг асл маъносида ана шундай умумхалқ ҳаракатини ифодаловчи сиёсий куч бўлиши керак. Зеро етмиш йиллик тарихимиз кўрсатдики, ҳар қандай сиёсий куч давр билан ҳамнафас ва ҳамдард бўла олсагина, ҳамиша ўзгаришда бўлган ҳаёт талабларидан орқада қолмасагина пешров ва устивор бўла олади.

Қайта қуриш даври, ҳаёт талаблари, кишиларнинг моддий ва маънавий эҳтиёжлари бугунги кунда барча соҳаларга тузатишлар киритмоқда. Бундан партия ҳам истисно эмас. Зотан, партия фаолиятини чуқур қайта қурмай туриб, унинг маҳкамачилик даврида дарз кетган обрўэътиборини тиклаб бўлмайди.

Кейинги пайтларда партия шанига кескин танқидий фикрлар билдирилаётир. Бунга ҳозирги туб ўзгаришлар даврида табиий бир ҳол деб қарамоқ керак. Айни пайтда бу фикрлар ёппасига барча коммунистларга қаратилган эмас, балки халқ ҳаётидан узилиб қолган, давр билан ҳамнафас бўлолмаётган «партаппаратчилар»га қарата айтилаётганини ҳам унутмаслик лозим.

Мен коммунист сифатида яхлит, янгиланган КПСС тарафдориман. Лекин гап яхлитлик ҳақида кетганда, уни қандай тушунишда. Партия сафларидаги яхлитлик унинг халқ манфаатларини нечоғлик ҳимоя қилаётгани билан ўлчанади. Энди партиядаги яхлитлик юқоридан бўладиган васийликка сўзсиз итоат билан эмас, қуйидан бўладиган, онги ўсиб, ўзлигини таний бошлаган халқ хоҳиш-иродасига фидойилик билан белгиланади. Бу эса жумҳурият Компартиясининг амалий мустақилликка эришиши, Ўзбекистон ССРнинг Олий Совети эълон қилган жумҳуриятимизнинг мустақиллиги декларациясини ҳурмат қилиш асосида юзага чиқади. Мен ана шундай яхлитлик қарор топишини истайман.

Ягона программа ва Устав ҳужжатлари асосида КПССнинг таркибий қисмига кирадиган, барча иттифоқчи жумҳуриятлар Компартиялари билан тенг ҳуқуқга эга бўлган Ўзбекистон Компартияси равнақи тарафдориман. Унинг ижтимоий асосини ишчилар синфи, деҳқонлар, зиёлилар, иқтисодий фойдали, ижтимоий адолатли, маънавий эркин демократик тузумни барқарор этиш учун отланган жамиятнинг барча табақалари ва уларнинг манфаатлари ташкил этади деган умиддаман.

Партиянинг ўз ичидаги соғлом кучларни жипслаштирибгина қолмай, бошқа ижтимоий уюшмалар билан доимо тенг асосларда яқин ҳамкорлик қилиш учун ҳам кенг имкониятлар яратиш айни муддаодир.

Ўзбекистон Компартияси, менинг назаримда, ҳозир ана шундай тўғри, чинакам эркинлик ва ҳаёт йўлидан бормоқда. Бу йўл — мураккаб кураш йўли, Партия, ҳукумат раҳбарияти ва халқ иродаси бирлашиб, ҳамжиҳатликда танланган бу йўл, у ҳамкорликда, бирликда фаровонликка элтади. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг партия XXII съездига Сиёсий маърузасида баён этилган ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан теран дастур бунинг яққол далилидир.

⊙ КПСС XXVIII съезди делегати Расул Раҳмонов билан суҳбатнинг давомини рўзномаанинг 2-саҳифасида ўқийсиз.

Озиқ-овқат дастури бўғинлари

Сабзавоткорлар—тошкентликлар дастурхонига

⊙ ШУ КУНЛАРДА «ОҲАНГАРОН» районидаги «Оҳангарон» совхози сабзавоткорларининг қўлиқўлига тегмайди. Улар далаларда етиштирилган сабзавот ва резаворларни тезроқ йиғиб-териб, аҳоли дастурхонига тақдим қилиш ниятидалар. Шу кунга қадар кўзда тутилган мажбуриятдан 15 тонна бодринг, бир тоннадан ортиқ турли резаворлар етказиб берилди.

Оҳангаронликлар йил охиригача шаҳарликлар учун 8 минг тонна сабзи, 3 ярим минг тонна помидор, 2 ярим минг тонна пиёз, 800 минг тонна қовун-тарвуз, минг тонна картошка, минг тонна узум, 2 минг тонна олма, 365 тонна гўшт, 2 минг 600 тонна сут ва 1 миллион дона тухум етказиб беришга аҳд қилганлар.

Ўтган йили хўжаликда минг тонна мева сақлашга мўлжалланган омбор қуриб битказилди. Қиш бўйи шаҳарликлар 500 тоннадан ортиқ дуркун меваларни шаҳар дўконларидан харид қилиб олиш имконига эга бўлдилар. Бу йил яна минг тонна сабзавот сақлашга мўлжалланган омбор қурилиши тугалланади.

Ойига минг банка ёпишга мўлжалланган консерва цехининг иши дала неъматларини қишга ғамлаб қўйиш имконини беради. Шу кунларда консерва цехида иш қизғин. Карамдан қишга салат ёпиш давом этмоқда.

М. УБАЙДУЛЛАЕВА.

Шартнома асосида

⊙ ИЖТИМОИЙ таъминот техникумининг талабалари Оржоникидзе районидаги Қибрай завод-совхозида миришкор деҳқонлар етиштирган она ер саховатини йиғиштириб олишда уларга кўмаклашишмоқда.

— Мазкур хўжалик билан техникум жамоаси икки мингинчи йилгача ўзаро ёрдам бериш шартномасини тузган, — дейди техникум директори Муҳаммаджон Қориев. — 6 июлдан бошлаб имтиҳонларини топшириб бўлган яна 150 талаба ҳам қишлоқ хўжалик маҳсулотларини йиғиштиришга боради.

Кези келганда шуни ҳам айтиб ўтиш керакки шу йил совхоз маъмурияти томонидан икки гектар ер ажратиб беришди. Биз бу ердан саломатлик спорт лагери сифатида фойдаланамиз.

Д. АЗИМОВ.

Назорат-тафтиш ҳайъатида

Тошкент шаҳар партия ташкилоти назорат-тафтиш ҳайъати бюросининг биринчи мажлиси бўлди. Назорат-тафтиш ҳайъати ишчи гуруҳларини тузишга доир масалалар кўриб чиқилди, тафтиш гуруҳи, партия қарорларининг ижроси устидан назорат бўйича, шикоятлар, шахсий ишлар ва аризаларни кўриб чиқиш бўйича гуруҳларнинг раислари тасдиқланди.

Назорат-тафтиш комиссиясининг 1990 йил учинчи кварталдаги иш режаси ҳамда иш тартиби кўриб чиқилди ва тасдиқланди.

Партиявий жазоларни бекор қилишга доир масалалар ҳал қилинди, КПССда тиклашга доир шикоятлар ва аризалар кўриб чиқилди.

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Океан ортига

⊙ ЖУМҲУРИЯТ қишлоқ хўжалиги давлат-кооператив комитетининг тажриба таъмирлаш заводи жамоаси жумҳурият хўжаликлари техникаларини сифатли таъмирлаш, эҳтиёт қисмлар етказиб бериш билан бирга хорижий мамлакатлар буюртмаларини ҳам ўз вақтида бажаришга эришмоқда.

БУГУН жаҳонга машҳур «КУ—02» муҳрли каноп ўрадиган комбайнларнинг бир туркуми океан ортига — Куба шакарқамишкорларига юборилди.

М. ХОЛБОЗОРОВА.

Жажжилар маскани

⊙ ПОЙТАХТИМИЗНИНГ Улуғбек посёлкаси жажжилари учун 320 ўринли замонавий боғча фойдаланишга тахт қилиб қўйилди.

Бу ерда болаларнинг ҳар томонлама камол топиши учун ҳамма шароитлар мавжуд. Ҳар бир гуруҳ учун алоҳида ўйин, спорт майдончалари, қўзиқорин шаклидаги соябонлар, турли хил беланчак, сирпанчиқ, арғимчоқлар ўрнатилган.

Шуниси қувончлики, ўрнатилган ўйин жиҳозларида мультфильм қаҳрамонлари акс эттирилган. Бунёдкорлик ишларини Тошкент бош қурилиш бошқармасига қарашли 159-трест бинокорлари олиб боришди.

Ф. УБАЙДУЛЛАЕВ.

Кам таъминланган оилаларга

⊙ БУГУН Киров районининг 53-озиқ-овқат дўконида районнинг 50 та кам таъминланган оилаларига сут маҳсулотлари пулсиз берила бошланди.

— Бундан кейин ҳар шанба куни шу элликта кам таъминланган оилалар мазкур озиқ-овқат дўконидан бепул сут маҳсулотларини олиб турадилар, — дейди Қизил ярим ой жамияти ташкилий ишлар бўлими бошлиғи А. Ёқубхўжаев. Мазкур оилалар учун пул жамиятимиз ҳисобидан тўланади.

М. БОЗОРОВА.

Янги ихтисослик

⊙ КОММУНАЛ қурилиш техникумида янги «Яшил хўжалик ва истироҳат боғлари қурилиши хўжалиги» қуллиёти ташкил этилди. Бўлимда таҳсил олганлар ободонлаштириш ихтисоси бўйича мутахассис бўлиб етишади. Бу қуллиётга 60 талаба қабул қилиниб, шундан 30 таси кундузги, 30 таси сиртқи бўлимларда ўқишади.

Ўрта мактабни 4—5 баҳолар, имтиёзли тугатган ўқувчилар имтиҳон топширмай суҳбат орқали қабул қилинади.

Д. ОРТИҚОВ.

Атроф-муҳит жонкуярлари

⊙ 1989 ЙИЛ давомида атроф-муҳитни сақлаш қоидаларига етарли риоя қилганликлари учун пойтахтимиздаги бир қатор автокорхоналар Табиатни муҳофаза қилиш жумҳурият кенгашининг қарорига мувофиқ мукофотга сазовор бўлдилар.

Биринчи ўрин 2512-автоколоннага, иккинчи ўрин 2502-автоколоннага, учинчи ўрин 3-автокомбинатга берилди.

Ғолиб жамоалар 1000 сўмдан 3000 сўмгача пул мукофоти ва I, III даражали дипломлар билан тақдирланди. 2512-автоколонна жамоаси тўрт йилдан буён бу борада фахрли ўринларни эгаллаб келмоқда. Шунингдек, улар 1989 йил натижаларига кўра моддий ва ёқилғи-энергетика ресурсларини танлаш ва улардан оқилона фойдаланишда ютуқларга эришганлиги учун 5000 сўм пул мукофоти ҳамда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба уюшмалари жумҳурият кенгаши ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг фахрий ёрлиғи билан тақдирландилар.

О. МАХМАЮСУПОВ.

Беминнат ёрдам

⊙ БУГУН жумҳурият Қизил ярим ой жамияти қардош Қозоғистон жумҳуриятида рўй берган табиий офатдан жабрланганларга 10 минг сўм пул юборди. Бу пул азият чеккан оилалар учун уйжой, дори-дармонлар сотиб олишга ишлатилади.

А. МУРОДОВ.

Меҳр-шафқат йўлида

⊙ ҲАМЗА Ҳакимзода Ниёзий номли санъатшунослик институтининг катта залида жумҳурият меҳр-шафқат ва саломатлик жамғармасининг пленуми бўлиб ўтди. Ўзбекистон ССР Президентининг «Улуғ Ватан уруши ногиронларига, қатнашчиларига, ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг оилаларига Совет халқининг улуғ Ватан урушидаги Ғалабасининг 45 йиллиги байрам қилиниши муносабати билан қўшимча имтиёзлар бериш тўғрисида»ги Фармонини амалга оширишда жумҳурият меҳр-шафқат ва саломатлик жамғармасининг вазифалари, жумҳурият меҳр-шафқат ва саломатлик жамғармасининг ўтган даврдаги ҳисоботи тингланди.

Маълумки, жумҳурият меҳр-шафқат ва саломатлик жамғармаси шу даврга ча иттифоқ миқёсидаги Устав билан иш юритар эди. Бу пленумда янги жумҳурият меҳр-шафқат ва саломатлик жамғармасининг Устави қабул қилинди.

М. СУЛАЙМОНОВ.

Муаллимларга туҳфа

⊙ ИТТИФОҚИМИЗДА донг таратган ижодкор педагогларнинг самарали изланишлари мамлакатимиз миқёсида кенг оммалаштирилмоқда. В. Шаталов, И. Иванов, С. Лисенкова каби машҳур новатор ўқитувчилар томонидан таълим ва тарбиянинг турли соҳаларига оид қимматли методик тавсиялари жумҳуриятимиз мактабларида ҳам ўзига яшил йўл топди.

Ана шу бой педагогик тажрибалар яқинда чоп этилган «Педагогик изланиш» китобида ўз ифодасини топди. «Ўқитувчи» нашриёти чиқарган мазкур тўпламда олти ёшли болаларни ўқитишнинг илғор усуллари кенг ёритилди. Олти ёшлилар билан ишлаш борасида ўзига хос мактаб яратган машҳур новатор педагог Ш. Амонашвили ёзган мақолалар айниқса эътиборни ўзига тортади. Унинг «Олти ёшдан ўқувчи» сарлавҳали мақоласида бошланғич таълим олдида турган долзарб вазифалар ўта бой тажрибалар орқали ёритиб берилган.

Нашриёт ана шу муаллифнинг алоҳида бир китобини яқин орада ўқитувчиларга тортиқ этади.

С. ОДИЛОВА.



⊙ ЯНГИ УЙЛАР МУБОРАК! Ҳамза районида яқинда фойдаланишга топширилган турар жой бинолари. Х. Мирзакаримов сурати.



⊙ **РУЗҒОР ЖОНКУЯРЛАРИ.** Рўзғор ашёларини тартиб билан олиб бориш уй бекалари учун ниҳоятда муҳим. Уларнинг оғирини енгил қилиш, рўзғорбоп буюмлар ишлаб чиқаришга Тошкент автоматика заводи катта эътибор беряпти. Корхонанинг халқ истеъмоли буюмлари цехида 14 турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарилади. Цехдаги электрон бошқариш йўли билан ишлайдиган 7 та иссиқлик автоматлари ёрдамида ишчилар рўзғор буюмларини ишлаб чиқаришмоқда.

Аделя Трегунова 5 йилдан бери мазкур цехда ишлаб келади. У смена топшириғини 110 фоизга адо этади.

Пресловчилар Оксана Себискверадзе билан Асия Хайруллиналар ҳам умумий ишга муносиб улуш қўшаётганлардан.

Х. Мирзакаримов суратлари.



Мақтовга муҳтож эмаслар

Тошкент шаҳридаги «Металлобитремонт» корхонаси ходимлари биринчи ярим йилликда бир ярим миллион сўмликдан кўпроқ халқ истеъмол моллари ишлаб чиқардилар. Пландан ташқари 200 минг сўмлик маҳсулот сотилди.

«Металлобитремонт»нинг маҳсулотларини ниҳоятда тақчил буюмлар қаторига қўшиш мумкин. Харидорлар металл карнизларни, йиғма гаражларни, панжараларни, эшикларни талашиб олиб кетишади. Муваффақиятнинг сири фақат молнинг сифатидагина эмас, шу билан бирга нисбатан арзон эканлигида ҳамдир. Ўша карнизнинг ўзи ташқи кўринишига қараб 5 сўмдан 15 сўмгача туради. Харидорлар учун қулай бўлсин деб, шаҳарда 34 та қабул пункти очилган. Бу ерда зарур буюмларни тайёрлашга буюртма бериш мумкин. «Металлобитремонт» жамоаси жами қарийб қирқ хил маҳсулот тайёрламоқда.

Авиасозлар—метро машинистлари учун

Самолётсозлар метро машинистлари кабинасини такомиллаштирдилар. Бу иш Тошкент метрополитени ходимларининг илтимосларига биноан қилинди.

Чкалов номли авиация ишлаб чиқарияи бирлашмаси сифат жиҳатдан янги вентиляция системасини ишлаб чиқишни ўз зиммасига олди. Ҳозирга қадар кабинага ҳаво пастдан кирар ва тоза бўлмас эди. Энди эса вентиляция ҳавони юқоридан олиб, уни махсус фильтр орқали ўтказади. Ҳаво оқимининг йўналиши бир томонга қараган бўлади.

Қурилма кабинанинг бутунлай ўзгартириб юборилишини талаб қилмайди. Бу система Тошкент метросининг барча поездларига ўрнатилади.

(ЎзТАГ).

(Давоми. Боши 1-бетда).

—Н. С. Хрушчевнинг ўз вақтида журналистларни партиянинг «дастёрлари» деб атаганлигини биласиз. Узоқ вақт худди шундай бўлиб келди. Жамиятимизни янгилаш бошланиши билан оммавий ахборот воситаларига «Умумхалқ, умумпартиявий манфаатлар ифодачиси», сўнг «Қайта қуришнинг қудратли воситаси» деб таъриф берила бошланди. Ҳозир эса матбуотга қонун чиқарувчи, ижроия, суд ҳокимиятидан кейинги тўртинчи ҳокимият, деган баҳо берилмоқда. Бу муболаға эмаслигини мамлакатимизнинг кўпгина минтақаларидаги воқеалар кўрсатиб турибди. Сизнингча, бугунги кунда матбуот жамиятимизда қандай ўринни эгаллаяпти, унинг олдида қандай энг долзарб вазифалар турибди?

— Аввало, журналистлар партиянинг «дастёрлари» дейилган ўша пайтда, мен бу масалага ўзимча бошқача бир нуқтаи назардан ёндошганимни айтай. Аслида масаланинг бу тарика қўйилиши журналистнинг ҳаётдаги ўрнига бориб тақалади, айтганингиздек. Айтингчи, журналист учун халқнинг дастёри бўлиш шараф саналмайдими? Ахир, не-не мутафаккирлар ҳаётларининг асл маъноларини хусусан халқ ҳоли-корига ярашда деб билганлар. Халқ манфаатлари йўлида жон фидо қилганлар.

Партия халқ хизматига бел боғлаб юзага келган эмасмиди? Ва у ўзининг ана шу вазифасини ҳалол ва сидқидилдан бажаришга киришган кезларда партияга дастёрлик — халққа дастёрлик унинг бахт-саодати йўлидаги фидойилик деб қаралмаганмиди?

Улуғ рус адиби Михаил Шолохов «Биз қалбимиз буюрганини ёзамиз. Қалбимиз эса партияга тегишлидир», деганда мана шуни назарда тутмаганмиди. Бутун ижодида оддий халқнинг мураккаб кечмишларини тасвирлаган, бош қаҳрамонларини халқ ичидан танлаган шундай донишманд ёзувчининг дил сўзлари халқ иродаси билан ҳамнафаслиги ифодаси эмасми?

Таассуфлар бўлсинки, халқ ҳаётидан мутлақо узилиб қолган, ўзига бино қўйган айрим раҳнамо раҳбарлар узоқни кўра билмасликлари туфайли нафақат ўз номларига, балки, партия шанига ҳам доғ туширдилар. Оқибатда халқ дастёри бўлиши лозим бўлган айрим қаламкашлар ҳам ана шундай «аппаратчилар», «раҳнамолар» дастёрига айланиб қолдилар. Албатта, бу ўринда ҳам кейинги пайтларда оммавий тус олган бир ёқламалик—ялписига қора чизиқ тортишдан сақланиш лозим. Ўша вақтда ҳам Абдулла Қаҳҳордек адибларимиз, партиянинг онгли аъзоси сифатида қалам тебратишларини таъкидлаган, амалда ҳам шу йўлда азият чексалар ҳам, маҳкам турган эдилар. Мураккаб, турғунлик йиллари деб атаётганимиз ўша даврларда ҳам имони бут, эътиқоди мустаҳкам, халққа хизмат қилган, турли таъна-дашномларга чидаб кўпчиликнинг ғамини еб яшаган, имони-иродаси букилмаган журналистлар озмунчами. Матбуот халқнинг дастёри, халқ билан партияни боғловчи кўприк. Лекин матбуотни дастёр сифатида чеклаб қўйилиши, эркига тушов солиш ҳолларига эндиликда бутунлай барҳам берилиб, унга сиз айтгандек сафдош, ҳамкор сифатида қаралиши ҳақнинг қарор топишидир. Янги, матбуот ҳақидаги қонун бунинг шаҳодатидир.

Энди матбуотимизнинг ҳозирги кундаги ўрнига келсак, унинг ошкоралик туфайли чинакам халқ минбарига айланаётганлиги қувонтиради. Сиз матбуотга тўртинчи ҳокимият деб, матбуот эркинлигидан фойдаланиб, журналистлар ўзларига жамиятда алоҳида бир мавқе яратиб олмоқчилар, деб қаралмоқда, деган фикрни айтингиз. Мен матбуотнинг ҳаётимиздаги ўрнини ғоят юқори баҳолаган ҳолда бу фикрга қисман эътироз билдирмоқчиман. Мана шу баҳонинг ўзи бизь ҳокимияти чиликка, ҳокимликка нақадар ўрганиб қолганлигимиз оқибатидир. Шуни унутмаслик керакки, ҳокимият бор жойда, истаймизми-йўқми, маълум маънода чеклашчегаралаш мавжуд. Матбуот шу кунгача ва ҳали-қануз ана шу таъсирлардан тўла халос бўлганича йўқ. Матбуотга, журналистларга ҳурмат билан қараш, сўз эркинлигидан қаламкашлар халқ, партия, жамият, манфаатлари йўлида фойдаланишлари асосий мақсадлари эканлигига эътиборни, баҳони йўналтириш чоғи аллақачон келган. Ёлғон — барча офатларнинг боши. Матбуот чин сўзи, фақат чин сўзи билан чиқиши, партияга, давлатга сўзсиз итоатда яшаш қоидасидан бутунлай қутилиши — муштарийлар иззат-ҳурматининг пойдеворидир.

Матбуот тўғрисидаги Қонун яқинда СССР Олий Совети сессиясида қабул қилинди. Қонундан мақсад ҳам матбуотни ҳокимиятчилик исканжасидан халос этиш, уни халқ ҳаётининг чинакам кўзгусига айлантиришдир.

— Кўпдан кутилаётган матбуот тўғрисидаги Қонуннинг қабул қилиниши, сўз эркинлигига қонун йўли билан кафолат берилиши яхши гап. Аммо бу билан матбуотнинг ҳамма муаммолари ҳал бўлиб қолмаса керак. «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» рўзномаларидаги аҳвол бунга яққол далил бўлаолади. Ўтган йил якунларига кўра биз 2,2 миллион сўмликдан кўпроқ соф фойда олдик. Рўзномаларимиз тиражи 1990 йилда 16 минг нусхага кўпайди. Аммо бундан биз амалда бирор наф кўрмаяпмиз. Рўзномаларда ходимлар етишмаслиги масаласи кўп марта марказий идоралар раҳбарлари, ҳатто КПСС Марказий Комитети олдига ҳам қўйилди. Бироқ, бизнинг илтимосларимиз жиддий қараб чиқилган ҳам йўқ. Нашрнёт «Оқшом» таҳририятини хабардор ҳам қилиб ўтирмасдан эълонлардан тушумлар режасини 86 минг сўмга кўпайтириб қўйди. Бундай беписандликка қачонлардир чек қўйилармикан? Сиз КПСС XXVIII съездида журналистлар вакили сифатида ҳам бу масалага ўз муносабатингизни билдириш ниятидамисиз?

— Албатта. Негаки, бу муаммо ҳозирча жумҳуриятимиздаги деярли барча оммавий ахборот воситаларига тааллуқлидир.

Сўз эркинлигига қонун йўли билан кафолат берилиши яхши гап, албатта. Ҳақиқатан ҳам, бу муҳим янгилик. Аммо у бари бир масаланинг моҳиятини тўла қамраб олмайди. Масаланинг фалсафий жиҳатига ҳам эътибор беринг-а? Ҳар қандай тушунча — нисбий. Жумладан сўз эркинлиги ҳам. Матбуотнинг ўз қонунлари бор — бу юксак маданий, маънавий-ахлоқий барқарорлик, юқорида айтганимдек, ростгўйлик ва ҳалоллик. Бунга доим ҳам қонун кучи етавермайди. Шунга кўра Қонун эълон қилинди. Лекин матбуотнинг ҳамма муаммолари ҳал бўлиб қолмайди, деганингизда ҳақсиз. Фикримча «Тошкент оқшоми»дек шаҳар газетасида ходимлар масаласини ўзи, шунингдек, ҳар қандай бошқа нашр ўз ички ишларини ўзи ҳал этиши керак.

Умуман олганда, журналистларнинг меҳнатига яраша маош олишларига эришиш, уларга ижодий шарт-шароитлар яратиб бериш, дам олишларини, даволанишларини ташкил этиш, ижодий командировкаларга кенгроқ имкониятлар яратиш, диктофон ва бошқа техник жиҳозлар билан таъминлаш каби муаммолар йиғилиб қолганки, буларни ҳал этмасдан туриб матбуот нашрларини замон талаби даражасига кўтариш мушкул. Шу ўринда нашриётлар моддий-техника базасини тубдан янгилашга тезроқ киришиш, маҳсулотларимиз сифатини оширишга эришиш долзарб масала бўлиб қолаётганлигига ҳам эътиборни қаратмоқчиман.

— Биз турғунлик йиллари, деб атаган даврда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Кенгашининг органида вилоят, шаҳар, район рўзномаларини таҳлил этиш анъанаси бўларди. Баъзида бу обзорлар, бирор нашр муҳарририни алмаштириш мақсадини кўзлаганини ҳам ҳисобга олмаганда, умуман фойдадан ҳоли бўлмасди. Ахир маҳаллий журналистларга изланишлари тўғрими, қандай камчиликларга йўл қўяётганликлари ҳақида тажрибали ҳамкасблари фикрини билиш зарур-ку! Афсуски, бу анъана тобора унутиб бориляпти. Худди шунингдек, «Совет Ўзбекистони» жойларда ҳали ҳам танқидни бўғаётган, ошкораликка йўл бермаётган баъзи маҳаллий раҳбарлар тазйиқига дучор бўлаётган журналистларни ҳимоя қилишга мунтазам ёрдам берса. Нима дейсиз?

— Жавобни саволларингизнинг «пой»идан бошласам. Негаки уларнинг туб моҳияти журналист маҳорати, қадр-қиммати ҳақида бормоқда. Журналист сўзи, таъбир жоиз бўлса, ҲАҚнинг адолатсизликка қарши отилган ўқи. Бу ўринда адолатсизликнинг турфа кўринишлари ҳақида гапириб ўтиришга ҳожат бўлмаса керак, деб ўйлайман. Адолатсизлик эса ҳамиша унга нишон бўлишдан чўчийди, ўзини минг бир пучмоққа уриб, биқиниб юради. Гарчанд унга бу ўқдан омонлик бўлмаса-да, у қайлардандир «темир қалқон»лар топади, муайян вақт, муайян даврда «ғалаба сарупо»сини кийиб юриши ҳам мумкин.

Журналист ҳаётида энг оғир, айтиш мумкинки, том маънода тақдирини белгиловчи дамлар шундай пайтларда кечади. У эртак қаҳрамони каби уч йўлга рўбарў келади: ўз аҳдидан қайтмаслик, яъни ҳақ қарор топиши учун ўзида куч-қувват, ирода топа билиши — биринчи йўл. Иккинчиси — журналистикадан воз кечиш ва охиргиси ҳам энг даҳшатлиси — касбни косибликка айлантириш. Мен ҳар учала вазиятга тушган ҳамкасбларимни биламан. Менимча биз журналистларга, айниқса ёш қаламкашларга адолатсизликнинг муайян давридаги ғалабасидан кейин эмас, шу йўл бошида ёрдам беришимиз керак. Ҳамкасбларимиз ўртасида шундай гап ҳам юради: журналист бўлиш учун ўн йил ҳам етмайди, аммо журналистикадан чиқиб кетиш учун ўн кун кифоя.

«Совет Ўзбекистони» рўзномасини тазйиққа учраётган журналистларни ҳимоя қилиш борасидаги фикрингизга тўла қўшиламан. Айни вақтда рўзнома шундай нохуш воқеаларни қидириб топиши, аниқроғи бу соҳада сергаклик қилиши керак. Негаки шахсан мен таҳририятга келаётган хат-хабарларда, қўнғироқ ва юзма-юз мулоқотларда бундай воқеага ҳозирча дуч келган эмасман.

Энди район, шаҳар, вилоят рўзномалари таҳлилига келадиган бўлсак, гапингизда жон бор. Шундай воқеалар рўй бергани, «тирноқ орасидан кир ахтариш тактикаси» қўлланилгани ҳам рост, аммо шуни айтиш керакки, рўзномаларни таҳлил этиш орқали «таълим» бериш усули, менимча, эндиликда эскирди, тўғрироғи ўз умрини яшаб бўлди. Иқтидорли журналист учун матбуотнинг катта-кичиги бўлмайди. Қаламни ўтмас журналистни эса йўл-йўриқ билан эпақага келтириш мушкул иш. Уруғ намга тушса кўкаради.

Тажриба алмашиш бўлса, бу энди бошқа ғап. Шу мақсадда жойларда «Совет Ўзбекистони» рўзномасининг ижодий масканларини барпо этишга киришдик. Хоразм область ижроия комитетининг хайрихоҳлиги билан ташкил этилган рўзномамнинг дўстлари тўгараги «Совет Ўзбекистони» боғи» деб аталди. Рўзнома тарихи, кундалик ҳаёти ҳақидаги суратлар билан безатилган хоналарда муштарийлар, ҳаваскор ижодкорлар билан рўзнома ходимлари, унинг фаоллари ижодий учрашувлари ўтказиляпти. Бу борада бизнинг яна бошқа режаларимиз ҳам бор. Область ва районларда рўзномамизнинг кўчма летучкаларини ўтказиш, қабулини ташкил этиш ниятидамиз. Бундай очиқ мулоқот, ўйлаймизки, ҳар икки томон учун ҳам фойдали бўлади. Умуман, жумҳуриятимизнинг катта ижодий тажрибага эга марказий матбуотлари ҳамкасбларига, энг аввало, ўз фаолиятлари билан, қолаверса, ана шундай кўчма мулоқотлар воситасида ёрдам кўрсатганлари маъқулроқ.

— Кейинги пайтларда «Совет Ўзбекистони» саҳифаларини варақлаган муштарийлар унда халқимиз маданий меросига эътибор кучайганлигини пайқамай қолмади. Бу соҳада Сиз раҳбарлик қилаётган таҳририятнинг қандай ижодий режалари бор?

— Халқимизда, ҳамма унутилган нарсалар янгидир, деган гап бор. Рўзнома шу даврга қадар ҳам бу мавзуда материаллар бериб келган. Фақат бу бир оз тарқоқ, яъни шу мавзуда таҳририят папкасига мақолалар тушгандагина чоп этилган. Биз энди бу ишга изчиллик ва мунтазамлик бахш этдик. «Мерос», «Одобнома», «Заккийлар маҳфили» каби рукунлар очдик.

Халқнинг ўз тарихига, аждодлари яратган буюк маданиятига эҳтиром унинг келажагига устиворлигини ҳам таъминлайди. Биз шу давргача ўз ўтмишимизни нотўғри ўрганиб келдик, ҳатто орқага ўгирилиб тош отдик. Минглаб йиллик маданиятга эга бўла туриб, мағрибу машриққа маданият улашган эл бўла туриб, оми халқ саналдик. Ёлғонларни такрорлайвериб, ўзимиз чув тушиб қолганлигимизни сезмадик. Энди халқнинг ўзлигини ўзига танитиш керак. Бунда, шубҳасиз, матбуот катта хизмат қилиши мумкин. Фақат ундан оқилона, заковат билан фойдаланиш керак. Гоҳо бир сўз камлик, икки сўз ортиқчалик қиладиган ҳам бўлади. Гап бу ерда халқимизнинг шони, шарафи, қадриятлари устида боряпти. Журналист маҳорати, тадбиркорлиги, таъбир жоиз бўлса, «бир яримта сўз»ни топа олишда! Кенг жамоатчиликни, мутахассисларни бу ишга жалб қила билишда.

— **Расул Раҳмонович, оқшомхонларга ўзингизнинг ҳаётий принципларингиз, қарашларингиз, қизиқишларингиз — умуман ўзингиз ҳақида икки оғиз гапириб берсангиз.**

— Яқинда вафот этган, болаликдан бирга ўсган, тенгқур дўстим Тоиржоннинг фарзандларига қолдирган васиятномасини ўқиб ўйланиб қолдим. У дафтарнинг бир саҳифасига қисқа қилиб, шу мазмундаги сўзларни ёзган эди: Мен оддий ишчи оиласида туғилиб, отам Улуғ Ватан урушида шаҳид кетиб, онам тарбиясида ёлғиз ўсдим. Ўз кучим билан ўқиб, олий маълумотли адлия ходими бўлдим. Меҳнатим туфайли, ўрта даражадаги бир одам, мутахассис сифатида ўз соҳам доирасида танилдим. Аммо юқори мақомларга, номини эл-юрт танийдиган, машҳур кишилар мартабасига чиқолмадим. Азизлар! Бир нарсага ҳурсандманки, ота-онам шанига доғ туширадиган, фарзандларимни мендан тондирадиган ишга қўл урмадим. Яшашдан мақсадим — ҳалоллик, кишиларга озор етказмаслик, одамларга баҳоли қудрат яхшилик қилиш, ёрдам бериш бўлди. Сизлардан илтимос, эл оғзига тушмаган номим, тупроғи қаерлардадир қолган отам исми шарифи ўчиб кетмасин учун, мозорим устига мўъжаз бир қабр тоши ўрнатиб қўйсангиз...

Бу сўзлар, бир мени эмас, ҳамма тенгқурларимни ўзи босиб ўтган йўлига, назар ташлашга ундади. Биз ҳаммамиз уруш йиллари болаларимиз. Ҳаётимиз ҳам, даражамиз ҳам, мақсадимиз ҳам муштарак. Ҳаёт оғирликларини катталар қатори баб-баравар баҳам кўриб улғайганмиз. Мен ҳам Тоиржондек отам вафот этиб, уч акам урушда ҳалок бўлиб, кекса онам бағрида Тошкент шаҳрида ўсганман. Нимагаки эришган бўлсам замон ардоғи, ўз меҳнатим, кучим, яхши одамлар рағбати туфайли.

Ниятим умрим охиригача яхши ном билан яшаш, халқим, партиям менга ишониб топширган ишга садоқат билан, одат бўлиб қолган бориимни сарфлаб хизмат қилиш. Имон-иродали бўлиб қолиш. Эллик саккиз ёшимда, шукрлар бўлсинким, адолатли, пок, қалби кенг, меҳри дарё кишиларнинг назарига тушиб, хизматим доираси кенгайди. 1954 йилда Ўрта Осиё дорилфунунининг тил ва адабиёт факультети журналистика бўлимини тамомлаб, қадрдон «Совет Ўзбекистони» рўзномасига ишга қайтдим. Қашқадарё область, Қамаши район, Тўқбой сайлов округи сайловчиларига минг ташаккур, менга ишонч билдириб, Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига лозим кўрдилар. Чуқур ҳис этаманки, кўп сонли муштарийларнинг, сайловчиларнинг мендан умиди катта. Шу эзгу умидларга яраша фаолият кўрсатиш, мураккаб, ташвишли кунларда уларнинг ёнида туриш, яхшисини ошириб, дардини енгиллаштириб, юрт равнақи, халқ фаровонлиги йўлида фидокорлик қилиш муддаомдир. Шамдек бўлса ҳам халқим кўнглини ёритишдир. Қисқаси, ўзбек халқининг бир оддий фарзанди сифатида она халқим берган нон-тузини оқлаб яшаш умидимдир.

Суҳбатдош Э. ЭРНАЗАРОВ.

Ўзлигимизни таний бошлаганда

Қисқа сатрларда

⊙ **ДАҲАЛАР** ва маҳаллалар **учун энг яхши халқ уйи лойиҳасига эълон қилинган жумҳурият конкурсининг якуни чиқарилди.** Конкурсни Ўзбекистон касаба уюшмалари кенгаши, ЛКСМ Марказий Комитети, Ўзбекистон Маданият министрлиги ва меъморлар уюшмаси ўтказди. Тақдим этилган 11 та лойиҳанинг тўрттаси энг яхши лойиҳа деб топилди ва мукофотлар билан тақдирланди.

⊙ **ТОШКЕНТ** ҳажм-блокли **уйсозлик тажриба комбинатининг арматура қирқиш участкасида меҳнат унумдорлиги 12 баравар кўпайди.** Илгари бу иш қўлда бажариларди. Дастгоҳ бир вақтнинг ўзида белгиланган узунликдаги тўртта арматурани қирқиб беради. Бунда чиқинди жуда кам бўлади. Автомат дастгоҳни корхона рационализаторлари яратишди.

⊙ **ТОШКЕНТ** темир йўл инженерлари институти билан **Тошкент метрополитени мутахассислари ишлаб чиққан назорат системаси поездлар ўртасидаги ҳаракат оралиғини 80 секундгача камайтириш имконини беради.** Бу система Ўзбекистон пойтахтининг ер ости йўлларида йўловчилар оқими кўпайганда қўлланилади. Ҳозирча эса система ижодкорлари уни мамлакатдаги бошқа метрополитенларга фойдаланиш учун тақдим этишди.

⊙ **ЎЗБЕКИСТОН** меъморлар **уюшмаси ҳузуридаги ўқувчилар** дорилфунуни тўрт-беш ёшли кичкинтойларни қабул қилишни биринчи марта эълон қилди. 8-11-синфларнинг ўқувчилари ижодий билим юртлари ва олий ўқув даргоҳларига кириш учун тайёргарлик кўрадиган катта гуруҳлардан фарқли ўлароқ, кичкинтойлар бу ерда расм чизиш, композиция сирларини ўрганадилар.

(ЎзТАГ).

Хориждан хабарлар

⊙ ПЕКИН. «Хитой узоқни кўрадиган Ғарб сиёсатчилари ўз ақл-заковати ҳамда мардлигидан ХХР билан ғарб мамлакатлари ўртасидаги муносабатларни яхшилаш ва ривожлантириш ишида фойдаланишади, деб умид қилади», — деди бу ерда ХХР давлат кенгашининг бошлиғи Ли Пэн ГФР парламент делегацияси билан учрашув чоғида.

Хитойга келганда эса, деб сўзида давом этди у, биз бу йўналишда иложи бўлган ҳамма ишларни қилдик ва қилмоқдамиз. ХХР савдо соҳасида ўзининг Ғарбдаги энг катта шериги — ГФР билан муносабатларни янада чуқурлаштиришга интилиб келганлигини таъкидлади.

Давлат кенгашининг бошлиғи узоқ муддатли халқаро тинчлик мамлакатни такомиллаштириш мураккаб вазифаларини муваффақиятли амалга оширишнинг ҳал қилувчи омилидир, деб айтди. ХХРнинг мустаҳкамланиб бораётган снёсий ва иқтисодий барқарорлиги, деб таъкидлади Ли Пэн, Хитой ҳукуматининг ўтган йилги тартибсизликларда қатнашган кишиларга нисбатан анча кўнгилчанглик билан ёндашувини белгилаб берди. Бундай муносабат, деб уқтирди у, Ғарб томонидан қилинаётган тазйиқ натижаси эмас, балки мамлакатдаги барқарор аҳволни акс эттиради.

⊙ НЬЮ-ЙОРК. Америкалик 92 нафар мактаб ўқувчиси бу йилги ёзни Совет Иттифоқидаги пионер лагерларида ўтказади. «Саманта Смит маркази»нинг фаолияти натижасида ана шундай сафар қилиш имконияти пайдо бўлди. Марказ хайр-эҳсонлардан тушган пулдан ана шу сафар учун ажратиб берди. Бир гуруҳ совет болалари эса ўз таътилларини Мэн штатидаги «Саманта Смит жаҳон лагери»да ўтказадилар.

— Биз бундан беш йил илгари, ўз фаолиятимизни эндигина бошлаган вақтимизда Қўшма Штатларда атиги беш нафар совет боласи бўлган бўлса, дейди марказ вице-президенти М. Лэдд, — бу йил СССРдан 108 нафар бола келади. Бу эса бизнинг мамлакатимизда уларнинг яна шунча дўстлари пайдо бўлади, деган маънони билдиради.

⊙ БМТ. Сўнгги маълумотларга қараганда, Эрон шимолида рўй берган даҳшатли зилзила 50 минг кишининг ёстиғини қуритган, бир миллионга яқин киши жароҳатланган ва бошпанасидан айрилган. Эроннинг БМТ ҳузуридаги доимий вакили Камол Ҳарросий БМТ қароргоҳида душанба куни журналистлар билан учрашувда шуни маълум қилди. У қутқарувчиларнинг тез ва қатъий ҳаракат қилишлари натижасида вайрон бўлган бинолар остидан 100 минг кишини олиб чиқиб, уларнинг ҳаётини сақлаб қолишларига имкон берилганлигини таъкидлади. 11 минг квадрат километр майдонда зилзила оқибатлари жуда жиддий бўлганлиги қайд этилди. Бир ярим минг қишлоқ вайрон бўлди. 12 та шаҳар қаттиқ шикастланди, улардан учтаси бутунлай яксон бўлди.

⊙ ДЕҲЛИ. «Оддий қиз» билан тўрт соатлик кўнгилхушлик минг рупия, «Энг гўзал қиз билан» кўнгилхушлик эса беш минг рупия туради. Текшириш чоғида бордель Бекасининг икки қизи ҳам гўзал қизлар қаторига киритилганлиги маълум бўлди. Бу ва шунга ўхшаш воқеалар Ҳиндистон пойтахтида фоҳишабозликни тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинганидан сўнг Ҳиндистон пойтахти рўзномалари саҳифаларини тўлдириб юборди.

Жиддий «жанг» олиб борилмоқда — ҳозирнинг ўзидаёқ беш юзга яқин фоҳиша ва фоҳишахоналарнинг бекалари қўлга олинди. Бу соҳада етарли даражада қулай бўлган ҳинд қонунларини қандайдир фитна уюштиришга, сохта мижоздан фойдаланишга имкон беради. Аслида эса ўша сохта мижоз — полиция агенти фоҳишахонага келади ва «олдиндан» пул тўлайди. Шундан кейин форма кийиб олган тартиб посбонлари у ерга бостириб кирадилар ва сохта мижознинг кўрсатмалари асосида бу қадимий касб вакилларининг барчасини ҳибсга оладилар.

Фоҳишабозликнинг чет элга чиқиши пайини қирқиш учун уринишлар бўлди. Хорижий мамлакатларга ишга ёллаш баҳонасида Покистонга ва Яқин Шарқдаги баъзи мамлакатларга «гўзалларни» етказиб бериш билан шуғулланган бир неча фоҳишахоналар фош этилди. Ғарбий Бенгалия ва унга қўшни Бангладешдан денгизчилар ҳамда ўз хонадонида порсоликни тарғиб қилувчи араб шайхлари учун шу нуқтаи назардан энг севимли Деҳли ва Бомбей шаҳарларига ёш қизларни олиб келадиган кишилар ҳам фош этилди.

Лекин ҳар ҳолда ғалаба қозонишга вақт эрта. Деҳлидаги хусусий меҳмонхоналарда, айниқса курорт шаҳарларида ижарада турувчиларга «кўнгил ёзишни» очиқчасига таклиф этадилар. Қашшоқлик, ишсизлик авжалгидек ҳалокатли миқёсга етмоқда. Ана шу нарса бу соҳа учун «ишчи кучлари»ни етказиб бермоқда. Ҳаётда шундан бошқа ўз ўрнини тополмаганлар учун бу ҳатто жозибали бўлиб қолмоқда.



⊙ **ФИНЛЯНДИЯ.** Ушбу суратда сиз Рихимакн шаҳрида экологлар ташкил этган кўргазма экспонатларидан бирини кўриб турибсиз. Экспозицияларни безатишга соф ўта замонавий ёндашув амалий мақсадни кўзлайди. Атроф-муҳитни муҳофаза қилувчилар ана шундай йўл билан истеъмолдан чиққан буюмлардан фойдаланиш кераклигига эътиборни жалб этишмоқчи. Финляндия жамики мавжуд чиқиндиларнинг ярмини 2000-йилга қадар қайта ишлашни ўз олдига вазифа қилиб қўйган.

Лехтикув — ТАСС суратн.



МАДАНИЯТ ЖАМҒАРМАСИГА СОВҒАЛАР

Совет Маданият жамғармасининг кўргазмалар залида фондга совға қилинган буюмларнинг учинчи — «Холис хизматнинг ҳам номи бор» деб аталган кўргазма очилди. Нодир экспонатлар буюк рус жамоатчи ва сиёсий арбобларининг қариндошлари, хорижий совға қилувчилар томонидан тақдим этилган. Энг қизиқарли экспонатлар орасида Поленовнинг «Эрта ёққан қор» картинаси, Италиянинг «Ситко» фирмаси президенти туҳфа этган «Шаляпин» бронза ҳайкали, Муравьев-Апостоловларнинг архив материаллари, Иван Буниннинг мактублари, унинг Парижда чоп этилган китоблари, совет мусаввирларининг асарлари бор.

СУРАТЛАРДА: Италияда истиқомат қилувчи Кампагарилар оиласи маданият фондига совға қилган Зинаида Волконскаянинг асранди қизи — Надежда Ильинанинг портрети; В. Д. Поленовнинг «Эрта ёққан қор» манзараси.

ТАСС суратн.



Тил тўғрисидаги Қонун—амалда

Холисхон ҳақми?

ХОЛИСХОН Тошкент шаҳридаги 226-мактабда ўқийди. Яқинда у паспорт олди. Ҳужжатда фамилиясини ўзбекчасига Яъқубова, русчасига Якубова деб ёзиб беришди. Балоғатлик белгиси, Ватанда фуқароликни тасдиқловчи паспорт негадир Холисхонга шодлик келтирмади, балки кайфиятини бузди. Чунки қиз ўзини доимо Ёқубова деб келарди. Ўртоқлари ҳам, ўқитувчилари ҳам уни доимо Ёқубова деб аташар ва ёзишар эди. Холисхон ўз фамилиясининг имлосини ўзгартиришга, уни Ёқубова деб ёздиришга жазм қилди. Лекин ҳозирга қадар ҳеч нарсага эриша олмади. Паспорт бўлими ходимлари 1972 йилда чоп этилган «Ўзбек исмлари имлоси» китобида Ёқуб исмининг йўқлигини, унда Яъқуб ёзилганини рўкач қилишди.

Мана Холисхон ҳали ҳам сарсон. Қайси идорага бормасин барчасида ҳам ўз баҳона ва далилларини келтиришади. Ҳамза райони ички ишлар бўлимининг фикрича, паспортдаги имловий нуқсонни бартараф қилиш учун аввало туғилганлик ҳақидаги гувоҳномадаги нуқсонни тўғрилаш лозим. ЗАГС ходимлари қўлида ҳам турғунлик давридан қолган дастурлар бор. Улар «Бизда русча ёзилади, гувоҳномада ўзбекча графа йўқ, ёзиб беролмаймиз», дейишар экан.

Дарҳақиқат, туғилганлик ҳақидаги гувоҳномаларда ўзбекча ёзув учун алоҳида бет йўқ, унда аввало русча саволлар жойлаштирилган, тагидан эса, «хўжакўрсинга» қилинганидек, бу саволлар ўзбек тилида ҳам такрорланади. Натижада кўп йиллардан бери бу ҳужжат русча тўлдирилиб келинади, бундай ҳолларда табиийки ўзбекча исм, фамилия ва ота исм ҳам русча ёзилади. Ўзбекча номни русча ёзиш туфайли юз берувчи имловий нуқсонларни тўғрилашни паспорт столидан талаб қилиш эса бефойда. Чунки улар расмий-ҳуқуқий жиҳатдан фуқаролар паспортини туғилганлик гувоҳномасидаги маълумотлар асосида тўлдирадилар ва номни ҳар иккала ҳужжатда айнан ёзишга мажбурдирлар. Лекин паспортда туғилганлик ҳақидаги гувоҳномадан фарқли равишда ўзбекча матнли бет ҳам мавжуддир. Бу ҳол ҳужжат эгасининг исми-шарифини ўзбек тилида, ўзбекча ёзишга мажбур қилади. Аммо бу осон иш эмас. Чунки боланинг исми-шарифи туғилганлик ҳақидаги гувоҳномасида русча ёзилган бўлади. Бунинг устига паспорт столларининг кўпчилигида ўзбек тилидан, ўзбекча исмларнинг ёзилиш хусусиятларидан етарли хабардор бўлмаган шахслар ишлайди. Натижада шахснинг исми-шарифи, ота исмини паспортларда ўзбекча рақам қилишнинг учта йўли юзага келади: биринчиси — шахснинг атоқли отини туғилганлик ҳақидаги гувоҳномасидаги шаклда, ўзгаришсиз ёзиб бериш; иккинчиси — номнинг ўзбекча миллий шаклини тиклаган ҳолда ёзиш; учинчиси — номни ҳужжат эгасининг хоҳишига кўра тўғрилаб ёзиб бериш.

Паспорт столи ходимлари учун иккинчи ва учинчи усул унчалик маъқул эмас, чунки русча қилиб ёзиб қўйилган, русча ва ўзбекча имлоси мос келмайдиган номларнинг ўзбекча шаклини тиклаш ва тўғри ёзиш улардан муайян имловий маълумот ва малака талаб қилади. Ўзбек исмларининг рус ва ўзбек тилларидаги имловий шакллари доим ҳам Карим — Карим, Турсун — Турсун, Юлдуз — Юлдуз каби мос тушавермайди. Шунингдек, исмлар таркибидаги баъзи ўзбекча товушларнинг русча талаффузга мослашганини ва шунга кўра бузиб ёзилганини кўрамиз. Чунончи, ўзбекча ў рус тилида **о, ю** ёки **у** билан, **и** товуши **ы** товуши билан, **ё** товуши **я** билан, ўзбекча **о** русчада **а** ёки **я** билан, **у** эса **у** ёки **ю** билан берилади. Натижада рус тилида исмларнинг ўзбекчага мос тушмайдиган хилма-хил имловий шаклларини юзага келади: бунинг устига рус тилининг хусусияти баъзи ўзбекча исмларда **л** товушидан кейин **ь** белгисини ёзишни, номлар таркибидаги **ъ** белгисини тушириб ёзиш ёки уни бошқа товуш билан алмаштириб айтишни талаб қилади. Ўзбек исмларини Гульбану, Ульмас, Аглам (Аълам), Агзам (Аъзам), Нуман, Нугман (Нўъмон), Маруф, Магруф (Маъруф), Рано (Раъно), Эзозхон (Эъзозхон) каби айтиш ва ёзишлар мана шундай сабаблар туфайли юзага келган.

Туғилганлик ҳақидаги гувоҳномаларда ўзбекларнинг исм-шарифлари келтирилган имловий шакларда ёзиб келинмоқда. ЗАГС идоралари ходимлари номларнинг ўзбекча ёзилиши ҳақида бош ҳам қотирмайди, чунки бунга амалий эҳтиёж ҳам йўқ. Сабаб: гувоҳномада, юқорида ҳам қайд қилинганидек, ўзбекча матнли бетнинг йўқлигидир.

Қайд этилган ҳолат паспорт столида ишловчиларни ноқулай аҳволга солиб қўймоқда. Чунки улар паспортнинг иккинчи бетига ўзбекларнинг исм-шарифларини ўзбек тилида ёзиб беришга мажбурдир. Паспортчилар кўп ҳолда туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномада бузиб ёзилган ёки рус тилида зикр қилинган номларнинг ўзбекча тўғри шаклини тиклашлари лозим бўлади. Лекин бу иш кўп ҳолда қийин бўлиб, бир қатор муаммоларни келтириб чиқаради. Шу сабабли аксарият ҳолларда шахснинг исми-шарифи туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномасида қандай бўлса ўша ҳолатда ёзиб берилаверади. Натижада кўпгина исмларнинг ҳужжатларда ўзбекчаси ўрнига русчаси ёзилиб қолганининг гувоҳи бўламиз. Демак, ҳамма гап туғилганлик ҳақидаги гувоҳномани тўғри тўлдиришга бориб тақалади.

Хўш, бу масалани қандай ҳал қилиш мумкин? Бизнингча, бунинг бир неча йўли бор.

Биринчидан, туғилган ҳақидаги гувоҳнома ҳам худди паспортдаги каби икки бетдан иборат бўлиши керак. Биринчи ўринда ўзбекча бет жойлаштирилиши лозим. Шундай қилганда шахснинг исм-шарифи ва ота исми аввало ўзбек тилида зикр қилинади, русчаси (агар шарт бўлса) номнинг ўзбекча имловий шаклидан келиб чиқилгани ҳолда ёзилади. Бу ўзбекча исмларни русча ёзиш туфайли юзага келувчи имловий нуқсонларнинг олдини олиш имконини беради.

Иккинчидан, туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома агар ҳужжат эгаси ўзбек бўлса, ўзбек тилида, рус бўлса рус тилида тўлдирилиши лозим. Мана шундай қилиш аслида қонуний йўлдир. Бу ҳолда жумҳуриятимизда яшовчи бошқа миллат вакилларининг исми-шарифларини ҳам уларнинг тилида тўлдирилиши йўлларини қидиришга тўғри келади.

Учинчидан, жумҳуриятнинг давлат тили — ўзбек тилида туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномалар, паспортлар ва бошқа хил расмий-ҳуқуқий ҳужжатлар тайёрланиши керак. Бу ҳужжатлар ўзбек аҳолисига мансуб шахсларга мўлжалланган бўлади. Жумҳуриятнинг давлат тили талаблари нуқтаи назаридан бу қонуний ва зарурий ишдир. Ижтимоий адолат нуқтаи назаридан ҳам табиий бир ҳолдир. Мана шундай қилинганида туғилганлик ҳақидаги гувоҳномада боланинг исми-шарифи ҳамда ота исмини тўғри ёзишгина қолади, номни русча ёзишдек мураккаб муаммо барҳам топади.

Тўртинчидан, юқоридаги қайд этилган ҳар бир ҳолатда ҳам ЗАГС бўлимларида ўзбек ва рус тилларини яхши биладиган, ҳар иккала тилнинг имловий хусусиятларидан хабардор бўлган кишиларнинг ишлагани маъқул. Бундан ташқари ўзбекча ҳужжатларни ўзбек мутахассис, русча ҳужжатларни эса рус тилини яхши биладиган шахс тўлдиргани маъқул. Мана шундай қилинганда исм-шарифлар имлосида юз бераётган лисоний нуқсонлар анчагина камайган бўлур эди.

Шу нарсани алоҳида таъкидлаш ўринлики, ўзбек исмлари имлосидаги нуқсонлар номларни русча ёзиш туфайлигина юзага келаётгани йўқ. Исмларнинг ўзбекча имлосининг ўзида ҳам кўпгина чалкашликлар бор. Ёзилиши қотган, бир шаклга келган исмлар кам. Кўпгина исм ва фамилиялар икки, уч ва ундан ортиқ имловий шаклларда бузилиб ёзилаётганининг гувоҳи бўлиш мумкин: Минаввар — Мунаввар, Сағди — Сади — Саъди, Қўшбоқ — Хўшбон — Хушвақт ва бошқалар шу жумладандир.

Хилма-хил ёзилаётган исмлар сирасига ўзбекча номларнинг баъзи маҳаллий-шевавий талаффуз билан исмларни қисқартириш усулларига боғлиқ шаклларини ҳам киритиш мумкин.

Юқорида келтирилган далиллар исм-шарифлар имлосининг анча мураккаб муаммолардан бири эканини кўрсатади.

Юқорида тилга олинган китобда исмнинг Ёқуб шаклида келтирилмагани, шубҳасиз, нуқсондир. Тилга олинган китобга ҳозирги ўзбек тилида мавжуд бўлган барча исмлар ва исм шакллари киритилган деб ўйлаш ҳам ўринли бўлмайди. Шунингдек, исмларнинг бу китобда берилган барча имловий шаклларини мутлақо тўғри, ундан четга чиқиш мумкин эмас деб ҳисоблаш ҳам хато бўлур эди. Бунинг устига ўзбек исмларининг ёзилишига оид қоидаларнинг кўпгина томонлари ҳозирга қадар етарли ишланган ва аниқланган эмас.

Хўш, шундай экан, Холисхон ўз талабида ҳақми? Унинг фамилияси қандай ёзилмоғи керак? Бу саволга жавобни «Ўзбекистон ССР-нинг Давлат тили ҳақидаги» Қонуннинг 25-моддасидан топиш мумкин. Унда шундай ёзилган: «Ўзбекистон ССРда яшовчи граждандар миллатидан қатъи назар ўз исмини... тарихий-миллий анъаналарга мувофиқ шаклда ёздириш ҳуқуқига эгадирлар». Тариҳан Яъқуб ёзилиши тўғри бўлган бу исмни ҳозирда Ёқуб тарзида ҳам айтиш ва ёзиш ўзбек тили учун миллий анъанага айланган. Исмнинг Ёқуб шакли ўзбек тилининг миллий талаффуз хусусиятлари туғдирган ҳодисадир (масалан, қозоқларда Жақип ёзилгани каби). Шу жиҳатдан ҳам бу номнинг Ёқуб шаклини инкор қилиш мумкин эмас. Давлат тили ҳақидаги Қонуннинг қуйидаги жумлалари ҳам ушбу нуқтаи назарни қувватлайди: «Исмлар, ота исми ва фамилияларни ёзишда ўзбек тилининг ифода ва талаффуз қонуниятларига риоя этилади» (25-модда).

Хуллас, лисоний-имловий хусусиятлар, Давлат тили ҳақидаги Қонуннинг талаблари ҳам Холисхон тарафидадир. Демак, Холисхон ўз талабида ҳақ, унинг фамилиясини Ёқубова тарзида ёзиб бериш керак!

Эрнст БЕГМАТОВ,
филология фанлари доктори.

ИБРАТЛИ ҲАМКОРЛИК

Тил — инсон қалбининг булоғи. Бу булоқнинг софлиги, мусаффолиги учун ҳар бир инсон қайғуриши керак. Мактабимизда 1989-90 ўқув йилидан бошлаб она тили ва адабиёти фанини чуқур ўқитишга киришдик. Бу ишда ёрдам сўраб Тошкент Давлат педагогика олийгоҳи филолог олимлари ва ўқитувчиларига мурожаат этдик. Улар бундан жуда мамнун бўлишди. Натижада мактаб ва олийгоҳ ҳамкорлиги юзага келди: 2000 йилгача шартнома тузилди. Олийгоҳнинг ўзбек тили ва адабиёти фанини ўқитиш методикаси кафедрасининг бўлими (филиали) очилди. Унга методист олима доцент Раъно Абдулаҳатова раҳбарлик қилаётир. 11-синфни битириш имтиҳонларини олийгоҳ ўқитувчилари (мактабимиз муаллимлари билан ҳамкорликда) олишади. Келажакда она тили ва адабиёти фани мутахассиси бўлишга аҳд қилган ўқувчилар мактабда олган баҳолари билан ушбу олий ўқув юртига қабул қилинадилар.

Йўлчибой АБДУЛЛАЕВ,
Тошкент шаҳар Октябрь районидаги Лутфий номли 254-мактаб директори, Ўзбекистон ССР халқ маорифи аълочиси.

ЧАЛА ИШ

Бир вақтлар ўзбек халқининг кўплаб улуғ шоир, ёзувчи, мутафаккирлари ноҳақ камситилган, айбланган эдилар. Натижада улар қатори классик шоир, файласуф Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг шаънига ҳам ноҳақ таъна тошлари отилган эди. Аммо барибир адолат қарор топди. Ноҳақ қилмишлари учун нопок кимсалар ўз айблари олдида эндиликда жавоб бермоқдалар. Таҳқирланган кишиларнинг номи эса ҳурмат-эҳтиром билан тилга олинмоқда.

Яқинда «Фрунзе районидаги Киров номли маданият ва истироҳат боғининг номи ўзгартирилди. Энди у Бобур номи билан аталади», деб эшитган эдик. Бу хайрли ишни амалга оширганлардан халқимиз беҳад миннатдор бўлди. Аммо истироҳат боғи раҳбарлари қарорни амалий иш билан бажармаяптилар. Боғнинг номини ўзгартиришни ҳалигача ўзларига эп кўришмаяпти. Бундан ташқари Б. Хмельницкий кўчасининг ярми ҳам Бобур номи билан аталди. Бир савол туғилади. Нега энди кўча номининг ярми ўзгаради? Бизнинг фикримизча кўчанинг бошидан охиригача бир ном билан аташ зарур.

Яна бир гап: кўпчилик ёшларимиз, фарзандларимиз Бобур, Навоий, Муқимий сингари кўплаб ёзувчи-шоирларни, мутафаккир-олимларни яхши билишмайди. Шаҳримизга келган меҳмонлар ҳам улар ҳақида доим ҳам керакли маълумотга эга бўла олмайдилар. Шундай экан кўчаларнинг бошига ва охирига кичкинагина тахтачалар ўрнатиб, шу улуғ зотлар ҳақида қисқача маълумот ёзиб қўйилса айни муддао бўларди.

Олимжон РАҲИМОВ,
хизматчи.

Ўзини оқлаган тадбир

СССР 50 йиллиги номли «Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасида ишчи-ёшларнинг маънавий ва маданий ўсиши йўлида қатор ибратли тадбирлар амалга оширилмоқда. Корхонада «Ёшлар фонди»нинг тузилиши ҳам нур устига аъло нур бўлди.

Ишлаб чиқариш илғорлари бўлган ёшларни иқтисодий жиҳатдан ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ёш оилаларга ёрдам кўрсатиш, йигит ва қизларнинг маданий дам олишини яхши ташкил этишда бу фонд муҳим роль ўйнайди.

Бирлашмада фаолият кўрсатаётган ёшлар маркази ҳам бу каби тадбирларга бош-қош бўлмоқда. Марказ ташаббуси билан очилган «Шарқ» палатали лагерь ёш трактторсозларнинг энг яхши дам оладиган масканларидан бири бўлиб қолди.

Ўтган йили ишга тушган мазкур лагерда 350 киши мириқиб дам олган эди. Тажриба тариқасида кўрилган бу тадбир ўзини оқлади. Шу сабабли бу мавсумда ҳам лагерь ўз фаолиятини давом эттиради. Кўпчилик ёш ишчилар унда дам олиб, ҳам техникавий, ҳам маданий савиясини оширишга эришади.

Корхонанинг бўёқчилик участкасидан бирини ёшлар маркази томонидан ижарага олиш кўзда тутилди. Бу эса трактторсозлар учун қўшимча иш ҳақи олиш имконини беради.

С. ОДИЛОВА.

Шартномалар тузиш имконияти бор

Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасида «Ахборот ва коммутация системалари» кўргазмаси очилди. Бу ерда Болгариянинг «ИНКОМС» фирмаси маҳсулотлари қўйилган. Булар — автоматлаштирилган лойиҳалаш системалари, шахсий компьютерлар, телефон ускуналари, электрон автомат телефон станциялари, радиореле қурилмалари ва бошқа ускуналардир.

— Кўргазманинг асосий мақсади, — дейди фирманинг бош директори Любомир Гутуранов УзТАГ мухбирига. — Ўзбекистон ва Ўрта Осиё регионн мутахассисларини фирма маҳсулоти билан таништиришдир. Ҳозирга қадар бизнинг ўртамизда фақат расмий йўллар орқалигина алоқа боғланар эди. Энди бевосита корхоналарнинг ўзлари билан валюта ва валютасиз асосдаги тўғридан-тўғри шартномалар тузиш имконияти бор.

Дастлабки битимларни кўргазманинг ўзида тузиш мўлжалланмоқда.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

КЕКСАЛАР, СИЗЛАР УЧУН!

Марказий универсал магазини Ҳамза районида «ВЕТЕРАН» ДЎКОНИНИНГ САНОАТ МОЛЛАРИ БИЛАН ХИЗМАТ КЎРСАТУВЧИ БЎЛИМИНИ ОЧАЯПТИ.

Дўконнинг манзилгоҳи; «Партия ХХШ съезди» кўчаси, 22-уй.

Иш вақти; соат 10.00 дан 19.00 гача, танаффус соат 13.00 дан 14.00 гача, дам олиш куни — якшанба.

Марказий универсал магазини.

Ленин райони аҳолиси учун

МАГАЗИНЛАР ҲУЗУРИДА

ШИША ИДИШЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛАДИГАН ЯНГИ ПУНКТЛАР ОЧИЛДИ

Уларнинг манзилгоҳини хабар қиламиз;

13 — Стародубцев кўчаси, 1 Май бозори. Иш вақти соат 9 дан 20 гача, танаффус соат 13 дан 14 гача, дам олиш кунисиз ишлайди;

24 — Норхўжаев кўчаси, 166-уй. Иш вақти соат 9 дан 20 гача, танаффус соат 14 дан 15 гача, дам олиш кунисиз ишлайди.

ЛЕНИН РАЙОН ОЗИҚ-ОВҚАТ САВДОСИ ИДОРАСИ.

«СОВҒАЛАР» ДЎКОНЛАРИДАН КИЙИМ-КЕЧАК, ПОЙАБЗАЛ, ТРИКОТАЖ, ЕДГОРЛИК БУЮМЛАРИНИ, АТР-УПАЛАРНИ ХАРИД ҚИЛИШИНГИЗ МУМКИН!

Ана шу дўконлардан ўзингизга зарур буюмларни, шунингдек таниш-билишларингизга ва ёр-дўстларингизга совғаларни танласангиз бўлади.

Эсдалик буюмларига, хотин-қизларнинг рўмол ва дурраларига ҳамда зеб-зийнат буюмларига эътибор қаратишни маслаҳат берамиз.

ДЎКОНЛАРНИНГ МАНЗИЛГОҲИ:

1-«Ёшлик» дўкони — Ғ. Ғулом кўчаси, 23-мавзе, 41-уй;
3-«Совғалар» дўкони — Навоий кўчаси, савдо расталари;
8-«Совғалар» дўкони — Олмазор даҳаси, метронинг «Халқлар дўстлиги» станцияси;

16-«Совғалар» дўкони — Луначарский шох кўчаси, 123;
19-дўкон — Беруний проспекти, 2 («Беруний» савдо комплекси).

Дўконлар соат 10 дан (фақат 3-дўкон соат 9 дан очилади) 19 гача ишлайди, танаффус соат 14 дан 15 гача.

Дам олиш куни — якшанба!



«Тошкент» чакана савдо фирмаси.

САВДО ТАШКИЛОТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ЎЗБЕКИСТОН ХЎЖАЛИК МОЛЛАРИ САВДО ТАШКИЛОТИНИНГ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЛАРАРО УЛГУРЖИ БАЗАСИ СОПОЛ БУЮМЛАРНИ ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Базада Риштон сопол буюмлар комбинатининг лаганлари, пиёлалари, чойнаклари, ёғдон ва қантдонлари, гулдонлари ва тувакларн, кулдонлари; Бугульма сопол буюмлар комбинатининг 11 буюмдан иборат чорбоғ ошхона термалари (чуқур ва мева ликобчалари, кружкалар, салатдонлар, иссиқ таомлар учун идишлар) мавжуд.

Айрим буюмларнинг баҳоси 40 тийиндан 3 сўм 20 тийингача, терманинг баҳоси — 8 сўм 55 тийин.

Ўзбекистон хўжалик молларн савдо ташкилотининг Тошкент областлараро улгуржи базаси.



«Союзреклама» Бутуниттифоқ ишлаб чиқариш бирлашмасининг Ўзбекистон реклама ишлаб чиқариш корхонаси.

Болаларга меҳрибонлик

ТОШКЕНТДАГИ 29-болалар уйи шаҳримиздаги намунали тарбия даргоҳларидан бири саналади. Унинг ўқув моддий базаси йил сайин мустаҳкамланиб бормоқда.

Шу йилнинг ўзида бу ерда кенг кўламда қурилишлар олиб борилди. Бу ишлар асосан оталиқ ташкилотлари ёрдами билан амалга оширилди. Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номидаги тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳам ҳиммат кўрсатиб, болалар уйи биносини таъмирлашга 30 минг сўм пул ажратди. «Норма» ширкат корхонаси йўли билан ўйин автоматлар ҳадя этилди. Бунинг учун тўрт минг сўмдан ортиқ пул сарфланди.

Болалар уйида янги ўқув йилига ҳозирдан пухта ҳозирлик кўрилмоқда. Бунда «Узагрогазсельтехмонтаж» бирлашмаси жиҳозлаш ишларини олиб боради. Қурилиш ва жиҳозлаш ишлари учун бирлашма 45 минг сўмлик маблағ сарфлашни ўз зиммасига олди.

Болалар даргоҳининг Оқтош қишлоғида жойлашган пионер лагерида ҳам бунёдкорлик ишлари олиб борилди. Бу мавсум олдидан пионер лагерида катта таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Ўзбекистон ССР Автомобиль йўлларини қуриш ва улардан фойдаланиш министрлиги бунга яқиндан бош қўшиб, 140 минг сўм пул сарфлади.

Ўзбекистон ССР Автомобиль транспорти министрлиги ҳам зўр ҳиммат кўрсатди. Бу оталиқ ташкилоти ёрдами билан 300 ўринли ошхона қурилди. Лагерь сув ҳавзаси эса сифатли таъмирланди. Шунингдек, министрлик битта автобус ажратди.

Кўрсатилаётган бу каби беминнат ёрдам туфайли болалар уйида барча қулай шарт-шароитлар муҳайё этилмоқда.

А. АЛИЕВ.





⊙ **ТОҒ БАҒРИДА. Хўжакент станцияси яқинида, Бўстонлиқ районидаги тоғ бағрида «Огонёк» пионерлар лагери жойлашган. Ёз мобайнида бу ерда 900 дан зиёд бола сиҳат-саломатлигини тиклайди, мириқиб ҳордиқ чиқаради.**

— Бизнинг лагеримиз санаторий типида, — дейди лагерь бошлиғи Е. Г. Кравченко. — Болалар бир кунда олти марта овқатланишади. Физиотерапия муолажаларн уларнинг хизматида, шу ерда сурункали танзилит хасталиги даволанади.

Ҳар куни болалар учун албатта бирор қизиқарли тадбир ўтказилади. Танловлар, викториналар, спорт мусобақаларн шулар жумласидандир. Улар билан тажрибали тарбиячилар М. Н. Ускова, Р. В. Кокарева, А. К. Абдуллаева, Н. И. Иванова, Г. Ф. Соколова ва бошқалар шуғулланишади. Турли тўгараклар ишлаб турибди.

СУРАТЛАРДА: қувноқ стартлар бошланиши олдидан; шахмат-шашка тахталарида кураш қизғин.

У. Усмонов суратлари.

ITALIA'90

МУҲИМИ—ФУТБОЛ!

ЯКШАНБА кунига белгиланган Миср вазирлар кенгашининг ташқи сиёсат ва мамлакатнинг иқтисодий аҳволи масалаларига бағишланган мажлиси кейинга қолдирилди. Буни қарангки мажлисни ўтказиш соати Миср—Ирландия учрашуви билан бир вақтга тўғри келиб қолибди.

ҲАММАНИНГ УЛЧОВИ

ГФР дарвозасини забт этган Бирлашган Араб Амирликлари терма командасининг ўйинчиси Холид Муборакнинг қувончи чексиз. У урган гол учун жуда қимматбаҳо ва фақат буюртма бўйича ишланадиган «Роллс—Ройс» автомобилининг соҳиби бўлди. Бизнинг футболчиларимиз киритган энг чиройли тўп учун эса детектив жанрда ижод қилувчи совет ёзувчиларининг 30 жилдлик асари тақдим қилинади. Ҳа, бу соҳада ҳар кимнинг ўз ўлчови бор.

ҲАКАМЛИК ҚИЛИШНИ БИЛМАЙДИ

БИРИНЧИЛИКДАГИ ҳакамларнинг кўпчилиги ўз вазифасини уддалай олмаётганлиги барчага маълум. Жумладан, бизнинг дастлабки икки ўйинимиз ҳам ҳакамларнинг кўпол хатолари билан ўтди. ФИФА бош котиби Й. Блаттер 27 июнда 36 ҳакамдан 20 нафарининг Италияни тарк этишини эълон қилди. Хўш, мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилаётган Алексей Спириннинг мавқеи қандай?

Италия мухбирлари «Киккер» спорт ойномасининг бош муҳаррири К-Х. Хаймандан: «Спирин қандай ҳакамлик қилмоқда», — деб сўраганларида у:

— «Гапнинг пўскалласини айтганда, унинг қўлидан умуман ҳакамлик қилиш келмайди», — деб жавоб берибди.

НАҲОТКИ, МИЛЛИОН ЛИРА!

ҲАЛ қилувчи беллашувга стадиондаги энг яхши ўринларга билетларни асраб қўювчи саёҳат агентлигининг хабарларига кўра, финал баҳсига билетнинг баҳоси 1 миллион 200 минг лира (970 доллар)гача чиқиб кетибди. Бироқ вақт ўтгани сари нархнинг бундан ҳам юқори кўтарилиши кутилмоқда.

СОҚОЛНИНГ ХОСИЯТИ

АРГЕНТИНА ярим ҳимоячиси Бурручага биринчилик охиригача соқол-мўйловини олдирмасликка аҳд қилди. Чунончи, камерунликлар билан ўйинга у сип-силлиқ бўлиб тушди ва командадошлари билан мағлубият аламини тортди. Мамлакатимиз футболчилари билан ўтказилган учрашувда эса бир кун сартарошхонага кирмай майдонда ҳаракат қилди ва иккинчи тўпни киритди. Буни кўрган командадошлари «Соқолингни бошқа олдирма, бу бизга бахт келтиради», — деб илтимос қилдилар.

ҲАР СОҲАНИНГ УСТАСИ

ИТАЛИЯЛИК ярим ҳимоячи Донадонига яшил майдонда тенг келиш қийин. Машқдан бўш пайтларида Италия футболчилари қарта ўйнаб вақт ўтказар эканлар. Маълум бўлишича, бу ўйинда ҳам унинг доимо қўли баланд келаркан, баъзида Донадони билан куч синашишга даъвогарлар топилмай қоларкан. Буни Италия терма командасининг администратори: «Ё унга омад доим кулиб боқади ёки умуман зўр ўйнайди. Ҳар нима бўлганда ҳам уни ҳеч ким ютиб олмайди», — деб изоҳлади.

Муҳаррир
Э. М. ЭРНАЗАРОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Тошкент шаҳар ҳудудидаги барча бошқармалар, ташкилотлар, корхона ва муассасалар раҳбарлари

ДИҚҚАТИГА!

ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ

ҚУЙИДАГИЛАРНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ:

ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ ҚОШИДАГИ АТАМАЛАР КОМИССИЯСИ

Низомига кўра барча турдаги корхоналар, идоралар, ташкилот ва муассасалар қайси министрликка қарашли эканлигидан қатъий назар, улар жойлашган биноларининг ташқи бадиий безакларн, оддий ва электр ҳамда газлаштирилган эълон, лавҳа ёзувларини ўрнатиш ишлари шаҳар Атамалар комиссияси ҳамда шаҳар Бош рассоми билан келишилган ҳолда амалга оширилиши шарт. Шунингдек,

«Ўзбекистон ССРнинг давлат тили ҳақида Қонуни» 24-моддасига кўра барча жой номларн миллий шаклда берилиб, ягона давлат тилида қайд этилиши лозим. Мазкур кўрсатманинг бажарилиши юзасидан ҳар бир раҳбар ўз қўл остидаги ташкилот учун жавобгар эканлиги давлат тили ҳақидаги Қонуннинг 28-моддасида таъкидланган.

Шаҳар Атамалар комиссияси Қонуннинг 24-моддаси бўйича район, шаҳар миқёсида иш юритувчи ҳар бир бошқарма, ташкилот, муассаса раҳбаридан маълумот олишга ҳамда мазкур модда бўйича кўрсатма беришга, шунингдек, ўз хулоса ва таклифларини Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетига тақдим этишга тамоман ҳақлидир.

Шаҳар Атамалар комиссияси Ўзбекистон ССРнинг давлат тили ҳақида Қонунининг амалда тадбиқ этилиши юзасидан жумҳурият телевидениеси ва радиосининг Тошкент бўлими, «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» рўзномалари ходимлари билан биргаликда мунтазам равишда рейдлар ўтказиб боради. Мазкур эълон юзасидан қўшимча маълумотларни қуйидаги телефонлар орқали олишингиз мумкин:
39-05-67, 33-35-14.

ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ.

ҲУРМАТЛИ ТОШКЕНТЛИКЛАР ВА ПОЙТАХТ МЕҲМОНЛАРИ!

Одамларнинг рисоладагидек овқатланишини мунтазам равишда истеъмол қилинадиган сабзавот ва меваларсиз тасаввур қилиш қийин. Чунки улар дармондорилар (А, С) минерал тузлар (калий, магний, темир), микроэлементлар, органик кислоталар, тўқималар, ҳушбўйлаштирувчи моддалар каби бир қатор ҳаётий муҳим моддаларнинг ягона манбаларидир. Шунинг учун ҳам Сиз истеъмол қиладиган таомларнинг навлар кўламида сабзавот ва мевалар қанчалик кўп бўлса, озиқ-овқатингиз шунчалик тўлақонли бўлади.

Шаҳар умумий овқатланиш Бош бошқармаси Сизлар учун

1990 йил 29 июнь соат 18.00 дан бошлаб

Карл Маркс кўчасининг пиёдалар юрадиган қисмида Тошкент шаҳридаги энг яхши шакарпазлар ва ошпазлар томонидан мева-сабзавот маҳсулотидан тайёрланган пазандалик, шакарпазлик ва ҳамир маҳсулотларидан иборат **ТАОМЛАР НАМОЙИШИНИ ЎТКАЗАДИ ВА СОТАДИ.**

Шу куни бу ердан турли хил фирмали мавсумий таомларнинг

ШАХСИЙ САВДО КЎРГАЗМАСИ ЎТКАЗИЛАДИ

Ошпазлар ва шакарпазлар Сизга сузма, мева-резаворлар қўшиб тайёрланган 50 гача номдаги шакарпазлик маҳсулотлари (тортлар, пироженоелар, пиширикдар, кекслар ва ҳоказолар)ни, ичига сабзавот, мева, резавор ва сузмали қийма солинган турли хил ҳамир маҳсулотларини, карам, сабзи, лавлаги, картошка, ошкўклар, бир неча хил салатлардан иборат 30 гача номдаги сабзавотли таомлар ва маҳсулотларни, ширин, десертли, желеланган таомлар — коктейлларни, ҳар хил ичимликларни эътиборингизга ҳавола этадилар.

Таркибида ёғи кам бўлган гўшт, парранда, балиқ маҳсулотларидан тайёрланган қуйи-қувватли парҳез таомлар шунингдек, қуйи-қувватли қўшимчалар солинган хамир маҳсулотлари учун бутун бир бўлим ажратиб берилган.

Малакали бош официантлар ва пазандалар Сизга таомлар ва маҳсулотларни тайёрлаш ҳамда уларни безатишга онд ҳар хил маслаҳатлар берадилар, шу ернинг ўзидаёқ Сиз харид қилган маҳсулотларингизни ўраб ва транспортнинг пулли хизматларидан фойдаланишингиз мумкин.

СИЗГА ЁҚИМЛИ ИШТАҲА ТИЛАЙМИЗ!

МАКУЛАТУРА ТОПШИРУВЧИ ФУҚАРОЛАР ДИҚҚАТИГА!

Қабул пунктларида абонементлар бериладиган кунлари қуйидаги китобларга абонементлар берилади:

— 1 июлда М. Риднинг «ОЦЕОЛА — СЕМИНОЛЛАР ДОҲИЙСИ» китобига 200 дан;

— 7 июлда А. Платоновнинг «ДАВЛАТ ФУҚАРОСИ» китобига 100 дан;

— 8 июлда «ҲОЗИРГИ ЗАМОН ДЕТЕКТИВИ» китобига 100 дан;

— 14 июлда А. Дюманинг «ГРАФ МОНТЕ-КРИСТО» китоби (1 том)га 150 дан;

— 15 июлда М. Незенинг «СПРУТ» китобига 150 дан;

— 21 июлда А. Дюманинг «ГРАФ МОНТЕ-КРИСТО» китоби (1 том)га 150 дан;

— 22 июлда М. Незенинг «СПРУТ» китобига ҳар бир қабул пунктида 150 дан абонемент тарқатилади.

М. Незенинг «СПРУТ» ва «ҲОЗИРГИ ЗАМОН ДЕТЕКТИВИ» китобларига бир йўла 20 кг макулатура топширилгандан кейингина берилади.

М. Незенинг «СПРУТ» китобининг баҳоси — 4 сўм.

«ҲОЗИРГИ ЗАМОН ДЕТЕКТИВИ» китобининг баҳоси 3 сўм 50 тийин.

Топширилган макулатура қиймати китоб қийматидан чиқариб ташланади.

Юқорида кўрсатилган муаллифларнинг китобларига абонементлар бир йўла 10 кг макулатура топширилгандан кейин берилади.

М. Риднинг «ОЦЕОЛА — СЕМИНОЛЛАР ДОҲИЙСИ» А. Платоновнинг «ДАВЛАТ ФУҚАРОСИ» ва А. Дюманинг «ГРАФ МОНТЕ-КРИСТО» (1 том) китобларига берилган абонементлар 20 кг макулатура топширилгандан кейин уларда кўрсатилган китобларни олиш ҳуқуқини кафолатлайди.

ДИҚҚАТ!

«Ганга» магазини ёнидаги 1-қабул пунктида таъмирлаш ишлари олиб борилаётгани муносабати билан абонементлар 6 июль куни берилади.

Тошкент шаҳар ишлаб чиқариш тайёрлов корхонаси.

ТОШКЕНТ ШАҲАР АҲОЛИСИ ВА ПОЙТАХТ МЕҲМОНЛАРИ

ДИҚҚАТИГА!

АЙРИМ ХИЗМАТЛАРНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ ВА ИШ ВАҚТИНИ МАЪЛУМ ҚИЛАМИЗ:

ЎТ ЎЧИРИШ ХИЗМАТИ — 01 (кечаю-кундуз).
МИЛИЦИЯ — 02 — —.
ТЕЗ ТИББИЙ ЁРДАМ — 03 — —
ШАҲАР ГАЗ ИДОРАСИНИНГ АВАРИЯ ХИЗМАТИ — 04 — —
ШАҲАР ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ ДИСПЕТЧЕРЛИГИ — 05 — —
ШАҲАРЛАРАРО ТЕЛЕФОН СЎЗЛАШУВЛАРИГА БУЮРТМА БЕРИШ — 07 — —
ШАҲАРЛАРАРО АЛОҚА МАЪЛУМОТ БЮРОСИ — 007 — —
ТЕЛЕФОН АЛОҚАСИДАГИ ШИКАСТЛАНИШЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ УЧУН БУЮРТМА БЕРИШ (бунда 08 рақами терилиб, узлуксиз гудок эшитилгандан кейин носоз телефон номерини териш шарт) — 08, якшанбадан ташқари ҳар куни соат 8 дан 20.00 гача, шанба кунлари соат 8 дан 17.00 гача.
НАСИЯГА ТЕЛЕФОН ҚАБУЛ ҚИЛИШ — 008, (кечаю-кундуз).
КОРХОНАЛАР, МУАССАСАЛАР, ЎҚУВ ЮРТЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТ БЕРИШ — 09, соат 8 дан 21.00 гача, сутканинг бошқа вақтида автоахборотчи жавоб беради.
ФУҚАРОЛАРНИНГ УЙ ТЕЛЕФОНЛАРИ ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТ БЕРИШ (телефон номерини билиш талаб этилаётган абонентнинг фамилияси ва манзилини айтиш лозим) — 009, соат 8 дан 21 гача.
ТАКСИ БУЮРИШ — 062 (кечаю-кундуз).
ПОЕЗДЛАР ҲАРАКАТИ ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТ БЕРИШ — 005 — —
ТЕМИР ЙЎЛ БИЛЕТЛАРИГА БУЮРТМА БЕРИШ — 063, барча кунлари соат 8 дан 19 гача, танаффус соат 13 дан 14.00 гача.
САМОЛЕТЛАР ҲАРАКАТИ ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТ БЕРИШ — 006 — —
УЙГА ЭЛТИБ БЕРИШ БИЛАН АВИАБИЛЕТЛАРГА БУЮРТМА БЕРИШ — 066, соат 9 дан 20 гача, танаффус соат 14 дан 15 гача.
МАИШИЙ ХИЗМАТНИНГ МАЪЛУМОТ БЮРОСИ — 065, ҳар куни соат 8 дан 20.00 гача.
ПОЧТА АЛОҚАСИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ ХИЗМАТИ — 067, якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9 дан 18.00 гача, танаффус 13 дан 14.00 гача.
ДОРИХОНАЛАР МАЪЛУМОТ БЮРОСИ — 069, якшанбадан ташқари ҳар куни соат 10 дан 16.30 гача.
ОБ-ҲАВО ХИЗМАТИ — 001 (кечаю-кундуз).
РАДИОЭШИТТИРИШ НУҚТАЛАРИДАГИ ШИКАСТЛАНИШЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ УЧУН БУЮРТМА БЕРИШ — 33-42-28 (кечаю-кундуз), 33-17-10.

Тошкент шаҳар телефон алоқаси ва радиолаштириш ишлаб чиқариш бирлашмаси.

ТОШКЕНТ ШАҲАР АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ, ҚАЙТА ЎҚИТИШ ВА КАСБГА ЙЎЛЛАШ МАРКАЗИ

ГОСКОМТРУД УЗССР

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

ТОШКЕНТ МОТОР ЗАВОДИГА

Бош металлург, бош ҳисобчи ўринбосари, гидравлика муҳандислари, электрончилар, металлурглар (янгидан ташкил қилинаётган ишлаб чиқариш тузилмаларида ишлаш учун);

Токарлар, фрезерловчилар, ичдан йўнувчилар, электр пайвандчилар, силлиқловчилар, чархловчилар, саноат ускуналарини тузатиш ва уларга хизмат кўрсатиш бўйича электр монтёрлар, автомат йўналишлар ҳамда рақамли дастур билан бошқариладиган дастгоҳларнинг операторлари;

Чилангарлар; асбобсозлар, саноат ускуналарини тузатувчилар, металл конструкцияларини йиғиш бўйича механика йиғув ишлари, двигателларни йиғиш бўйича механика йиғув ишлари; назорат ўлчов асбоблари ва автоматика, санитехниклар;

Созловчилар: автоматлар ва ярим автоматларни, автомат йўналишлар ва агрегатли дастгоҳларни, металл кирқувчи ускуналарни, рақамли дастур билан бошқариладиган дастгоҳларнинг электрон системаларини, автомат йўналишларни, Германия Федератив жумҳурияти ва Италияда ишлаб чиқарилган автомат йўналишларда ишлаш учун созловчи операторларни;

Двигателлардаги нуқсонларни аниқловчи ва синовчилар;

Қуювчилар: металлар ва қотишмаларни, босим остида қуйиш машиналарида, машинада қолипловчи стерженчилар, металл эритадиган печларнинг ичини ўтга бардошли материал билан ишлаб чиқувчилар, қирқувчилар, эритиш печига шихта (руда, шлаг, ёқилғи ва шу кабилар) ташловчилар;

Юк ортиш ва тушириш ишларида қатнашувчи ишчилар, юкчилар ва бошқа турдаги ишчи касблари.

Касбга эга бўлмаганлар кейинчалик заводда ишлаш шарти билан заводда ёки «Минавтосельхозмаш»нинг Москва, Владимир, Минск ва бошқа шаҳарларидаги ишлаб чиқариш корхоналарида уч ойдан то бир йилгача бўлган муддатда ўқиб-ўрганиб касб эгаллашлари мумкин. Ўқиш пайтида 100 сўмдан стипендия тўланади, ҳамда меҳнатга вақтбай-мукофотли, ишбай-мукофотли ва билвосита-ишбай тарзда ҳақ тўланади.

Маълумотлар олиш учун Тошкент шаҳар аҳолини ишга жойлаштириш, қайта ўқитиш ва касбга йўналтириш марказига (Космонавтлар шоҳкўчаси, 6-уй, телефон 56-07-23) **ва завод кадрлар бўлимига** (98-47-77) **мурожаат қилинсин.**

Ўзбекистон ССР Халқ таълими вазирлиги
«УЗЭЛЕКТРОМОНТАЖ» ИХТИСОСЛАШГАН ТРЕСТИ БАЗАСИДАГИ
7-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1990—91 ўқув йили учун
ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛАР БЎЙИЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ёритиш тармоқлари ва ёруғлик бўйича электр монтажчи, иккиламчи коммутация занжирлари бўйича электр монтажчи, контроль-ўлчов асбоблари ва автоматикани тузатувчи чилангар, фильмни текшириш ишини бажара оладиган киномеханик, қўлда ёйсимон пайвандлаш бўйича электр пайвандчи; металл конструкцияларни йиғувчи-чилангар, электр чилангар, радиотелеаппаратураларни тузатиш ва уларга хизмат кўрсатиш бўйича механик, видеотехникани тузатиш ва унга хизмат кўрсатиш бўйича механик, автомобилларни тузатувчи чилангар, автоэлектрчи.

Манзилимиз: 700022, Тошкент шаҳри, Ивановалик тўқувчилар кўчаси, 8-уй (4, 7, 11, 24, 28-трамвайлар; 2, 6, 13, 16-троллейбуслар; 33, 32, 34, 40, 45, 50, 58, 79, 80, 99, 182-автобусларнинг «Тўқимачилик комбинати» бекати. Телефон: 53-31-21.

37-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
қуйидаги касб-ҳунарлар бўйича
ўқув ишлаб чиқариш усталарини

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

назорат контроль-ўлчов асбоблари ва автоматикаси оператори, электрогазпайвандчи, автомобиль ремонти бўйича слесарь, бўёқчи-сувоқчи, плитка билан кошинловчи, ишлаб чиқариш инженери, ижодий техник раҳбари;

Ўқитувчилардан: қурилиш ишлари, авто ишлари бўйича, контроль-ўлчов асбоблари ва автоматика, электрогазпайвандчилар, махсус мутахассислари, бадиий раҳбар, жисмоний тарбия раҳбари, ўзбек тилини биладиган секретарь-машинистка, психолог, машина ҳайдовчи.

Бизнинг макон: Тошкент шаҳри, Чилонзор райони, 20-квартал, 35-уй (69, 50, 78-автобуслар; 17-трамвайнинг «С. Раҳимов» метро станцияси бекати).

Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармаси
42-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
қуйидаги ихтисослар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

СЛЕСАРЬ-РЕМОНТЧИ, ЭЛЕКТР-ГАЗ ПАЙВАНДЧИ, ТОКАРЬ, ЭҲМ ОПЕРАТОРИ.

ЎҚИШ МУДДАТИ — 8 (9) синфни тугатганлар учун — 3 йил, 10 (11) синфни тугатганлар учун — 6 ой.

Ўқиш муддати меҳнат стажига қўшилади. 3 йил муддат билан ўқийдиган ўқувчилар пуллик давлат таъминотида бўладилар, 6 ой муддат билан ўқийдиган ўқувчиларга стипендия тўланади. Ҳамма ўқувчиларга ишлаб чиқариш практикаси даврида ишлаган иш ҳақининг 50 фоизи тўланади.

Билим юртида ҳар хил тўгараклар ва спорт бўлимлари мавжуд.

Билим юртини аъло баҳолар билан тугатганлар, имтиёзли шарт билан институтга киришлари мумкин.

Ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатлар топширилади: туғилганлик ҳақида гувоҳнома ёки паспорт, маълумоти ҳақида гувоҳнома.

Билим юрти манзилгоҳи: 700084, Тошкент шаҳар, Ж. Обидова кўчаси, 70-уй (72, 60, 8, 24, 9, 91, 156-автобусларнинг; 2, 16,22,25,28, 29-трамвайларнинг «Ғалаба хиёбони» бекати). Телефонлар: 34-57-13, 34-37-14.

ТОШКЕНТ МАДАНИЙ МОЛЛАР САВДО ТАШКИЛОТИНИНГ 20-ДЎКОНИДА ҚЎҒИРЧОҚЛАРДАН ТОРТИБ МАГНИТ ЛЕНТАСИГАЧА МАВЖУД

Дўконда ҳар хил моллар бор:

кичкинтойлар учун болалар аравачаси, қўғирчоқлар, ўйинчоқ машиналар;

ўқувчилар учун — дафтар ва портфеллар, ручка ва фломастерлар, чизғичлар;



суратга олиш ҳаваскорлари учун — сурат қоғози ва плёнкалари, сурат катталаштиргичлар ва бошқа суратга олиш анжомлари шулар жумласидандир.

Шу ернинг ўзидан, шунингдек телевизорлар учун антенналарни, овоз кучайтиргичларни, телевизор усталари учун приборларни харид қилиш мумкин. Радиоприёмниклар учун ғилофлар, магнит лентaлари, чиройли мусиқа қурилмалари ҳам мавжуд.

Ранг-баранг молларнинг бир дўконда ҳозир бўлиши харидорлар учун қулайлик яратади.

Дўконнинг манзилгоҳи: генерал Узоқов кўчаси,3 (Беруний проспекти билан кесишувда, чарм-атторлик буюмлари фабрикаси қаршисида). Транспорт: 28-«э», 64-«э», 116-автобусларнинг, 4, 8, 20-троллейбусларнинг, 7 ва 16-трамвайларнинг «Беруний майдони» бекати.

Иш вақти — соат 10 дан 19 гача, танаффус соат 14 дан 15 гача,. Дам олиш куни — якшанба.

Тошкент маданий моллар савдо ташкилоти.

«Союзреклама» Бутуниттифоқ ишлаб чиқариш бирлашмасининг Ўзбекистон реклама ишлаб чиқариш корхонаси.

2 ИЮЛДАН ШАҲАР КИНОТЕАТРЛАРИ ЭКРАНЛАРИДА

«О И Л А»

икки серияли янги ҳинд бадиий фильми намойиш этилади.

Сценарий муаллифи — Тулукдар.

Режиссёр — Ш. Наир.

Ролларда — М. Чакраборти, М. Сошарди ва бошқалар.

Классик мелодрама қаҳрамонлари — камбағал сайёр артист, у топиб олган ўғил ва қиз бола, улар қутқариб қолган аёлдир. Улар қатор синовлардан ўтиб, бир-бирларига зарур эканликларини, аҳил, бахтиёр оила эканликларини тушунишади.

2 июлдан бошлаб шу фильмни «Тошкент Советининг 50 йиллиги номли», «Қозоғистон», «Москва», «Нукус» ва М. Шайҳзода номли кинотеатрларда кўришингиз мумкин.

9 июлдан мазкур фильм «Чайка», «Восток», «Дружба», «Ўзбекистон ССР 25 йиллиги» кинотеатрларида қўйилади.

Кинофильмларни ижарага бериш Тошкент шаҳар идораси.

«Союзреклама» Бутуниттифоқ ишлаб чиқариш бирлашмасининг Ўзбекистон реклама ишлаб чиқариш корхонаси.

«ЎЗБЕККОНЦЕРТ»

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА

1 ВА 2 ИЮЛЬ СОАТ 17.00 ВА 20.00 ДА

ДЎСТЛИК ТАРОНАЛАРИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Тожикистон ССРда хизмат кўрсатган артист
Қодиржон МИРАШУРОВ
Хушовоз хонанда Абдурауф ОЛИМОВ.
Сўз устаси, «Қизиқчи-90» кўригининг ғолиби
Ҳожибой ТОЖИБОЕВ

Касса соат 11.00 дан 19.00 гача ишлайди.

ДИҚҚАТ!

1990 йил 29 июндан бошлаб

«Шарқий Арнасой» овчилик хўжалигига ҳар жума куни балиқчилик, овчилик ва ҳордиқ чиқариш ишқибозларини ташиш учун махсус жиҳозланган машина қатнайди.

Ҳоҳловчилар 45-06-57 телефони бўйича ёзилиб қўйишлари мумкин.

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси

Ўзбекистон «КИБЕРНЕТИКА» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг

«АЛГОРИТМ» илмий-тадқиқот институти

қуйидаги ихтисослар бўйича
БЎШ ЛАВОЗИМЛАРГА КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

катта илмий ходимлар: ҳисоблаш техникасини қўллаш, илмий тадқиқотларда математик усулларни математик моделлаштириш (2);

илмий ходимлар: ахборотларни ишлаб чиқиш системаларн ва бошқарув (2).

Конкурс муддати — эълон чиққан кундан бошлаб — 15 кун.

Конкурс масаласида қуйидаги манзилга мурожаат қилинсин: 700143, Тошкент шаҳри, 143-алоқа бўлими, Ф. Ҳўжаев кўчаси, 25-уй.

Телефонлар: 62-62-02, 62-53-02.

Тошкент шаҳар, Октябрь районидаги У. Юсупов номли 132-ўрта мактаб томонидан **Азизов Маъруфхон Джалалхонович** номига берилган Б 297423 номерли йўқолган

8-СИНФНИ ТУГАТГАНЛИГИ ТЎҒРИСИДАГИ ГУВОҲНОМА БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Ф. ЭНГЕЛЬС НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

2 июль соат 11.00 да
ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Сапёрлар кўчаси, 11-уй.

«ЭРА» Жумҳурият тажриба-реклама ишлаб чиқариш агентлигининг йўқолган

ДУМАЛОҚ МУҲРИ

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли «Главташкентстрой» медицина-санитария жамоаси врач, акушер-гинеколог

Мухтабар Қодировна МАНСУРОВАнинг

вафот этганлигини билдириб, марҳуманинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент автомобиль йўллар институти ректорати, партия ва касаба уюшмаси ташкилотлари чизма геометрия ва муҳандислик графикаси кафедраси мудири Л. Қ. Ҳакимовга рафиқаси

Мухтабар Қодировна МАНСУРОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Компартияси Р. Раҳимов район комитети, халқ депутатлари район Совети ижроия комитети ва президиуми район партия комитетининг аъзоси «Ўзирстройконструкция» ихтисослашган бирлашмасининг бош директори

Асрол Замрутович МИРЗААҲМЕДОВнинг

вафот этганлигини чуқур кайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

(«Вечерний Ташкент») — орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и городского Совета народных депутатов.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32-уй.

ТЕЛЕФОНЛАР: қабулхона — 32-53-76; хатлар — 33-29-70; 32-53-79; жамоатчилик қабулхонаси — 32-55-83.

Якшанбадан ташқари ҳар куни ўзбек ва рус тилларида мустақил чиқади.

Р. — 10113.

140.390 нусхада чоп этилади. **Индекс 64690. Д—2201.**

1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10.